БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 165 (16.855). | 17 июль 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш, давлатга ғалла сотиш, уруғлик фонди жамғариш ва ғаллани ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1977 йил 11 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғойибов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Элбоев**, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жабборов**, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Илнади**) берилди. Бу область бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаб, давлатга дон сотиш топшириғини 85 процент бажарди. Байроқ Бухоро областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Жиззах областининг Ғаллаорол районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Хакимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Урозқулов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Тожиев**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Бобобеков**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Аҳмедов**) берилди. Бу район бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими планини 67 процент, шу жумладан ўн кунликда 37 процент ва давлатга ғалла сотиш топшириғини 44 процент, шу жумладан ўн кунликда 30 процент бажарди.

Байроқ Тошкент областининг Қуйи Чирчиқ районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё область, Бойсун районидаги «Ғаллакор» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Холиқов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Жумаев**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Мамадчев**) берилди. Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаб, давлатга ғалла сотиш топшириғини 56 процент бажарди, уруғликни етарли даражада ғамлаб қўйди.

Байроқ Сирдарё область, Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона область автомобиль трестининг 2520-автоколоннасига** (автоколонна бошлиғи ўртоқ **Ҳакимов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Ғиёсов**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Гонтаров**) берилди. Бу автоколонна ўн кунликда ғалла ташиш планини 103 процент бажарди.

Байроқ Наманган автомобиль трестининг 2523-автоколоннасидан олиб берилади.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ — ЗАРБДОР ФРОНТ

ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Бу йил 580 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдамиз. Ҳар гектар ердан пландаги 31,6 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштирамиз. Ф. Раҳмонов, Ю. Нишонов бошлиқ бригадалар аъзоларининг ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қатъий сўз беришган. Б. Мадризаев, Т. Жонзақов ва Т. Курбоновлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг меҳнатсевар пахтакорлари ҳосилдорликни 45 центнерга етказишмоқчи. Далаларда ишни ана шу юксак мажбуриятлар асосида ташкил қилганмиз.

Кўзланган маррани эгаллаш учун А. Тўхтасинов, Х. Болтабоев ва А. Узоқов каби механизаторларимиз ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришмоқда. Механизаторларимиз ғўзаларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор беришмоқда.

Ҳозир ҳамма майдонларимиздаги ғўзалар кўсаклай бошлади. Ҳар бир тупида 2-4 тадан кўсак бор. Июль ҳосил тўплаш ойи эканлигини яхши тушунган сувчиларимиз ишни икки сменада ташкил қилишяпти. М. Маматов, Ҳ. Ҳалилов, Ҳ. Мирзалиев ва А. Аминов каби сувчиларимиз кунига 1,5-2 гектардаги ғўзаларни сифатли қилиб сувдан чиқаришмоқда.

Мўл ҳосил етиштиришимизда Ҳ. Пармонова, Р. Абдусаматова, Я. Асратқулова, Ҳ. Ҳалилова ва Б. Лукмонова каби ишчиларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар кунлик нормаларини доимо ортиғи билан бажариб келишмоқда.

Раҳмат РОҲАТОВ,
Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхознинг 1-бўлими бошқарувчиси.

ҒАЛЛА — БОЙЛИГИМИЗ

ПЛАН ИККИ БАРАВАР

Ургут районидаги «Москва» колхози асосан ғаллачиликка ихтисослаштирилган. Мазкур хўжаликда ҳар йили ялмикор ва суғориладиган ерларнинг катта қисмида мўл ғалла ҳосили етиштирилади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа колхоз ғаллакорлари ўртасида кенг қулоч ёзди. Катта майдонларда ғалладан юқори ҳосил етиштирилди. Ялмикор ерларнинг ҳар гектаридан хўжалик бўйича 9 центнердан ошириб дон ҳосили олинди.

Азамат Бобоқулов бошлиқ бригада ғаллакорлари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан хирмон кўтаришди. Етиштирилган мўл ғалла ҳосилини ўз вақтида нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишда Дамир Ашуров, Баҳром Эшимов, Эрназар Шодиев, Даврон Раббимов сингари комбайнчилар алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли колхоз қисқа муддатда давлат қабул пунктларига 220 тонна ўрнига 440 тонна сара дон етказиб бериб, йиллик планни икки баравар ошириб бажарди.

Ғаллакорлар сара уруғ етиштиришга ҳам муваффақ бўлдилар. 100 тонна уруғлик жамғарилди. Бундан тащқари 600 тонна сомон тўпланди. Ғалласи ўриб-йиғиб олинган катта майдонларга маккажўхори экилмоқда.

Б. ИМОМОВ.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

СОҲИБКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Қизилтепа райони соҳибкорлари партия ва ҳукуматимиз қарорларига ўзларининг амалий ишлари билан жавоб бериб, давлатга меҳа тошириш планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Тайёрлов пунктларига пландаги 632 тонна ўрнига 645 тоннадан ошириб мева топшкрилди. Бу ғалабага эришишда райондаги «Москва», «Партия XXII съезди», «Ўзбекистон», «Ленинград», «Меҳнат-роҳат», «Ёш ленинчи» ва Ленин номли хўжаликларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. Районда давлатга ҳўл мева топшириш қизғин давом этмоқда.

И. САЛИМОВ.

МАККАЖЎХОРИ — КОМСОМОЛ ОТАЛИҒИДА

ГЕКТАРИДАН 100 ЦЕНТНЕР

Оржоникидзе районидаги хўжаликларнинг юбилей йилида маккажўхорини юқори ҳосил олиш учун курашаётган комсомол ёшлар бригадаларининг 17 раҳбари «Коммунист» колхозининг Тамара Шоғиёсова бошлиқ бригада далаларида бўлишди. Маккажўхорик о р л а р экинни кўздан кечириб, мўл ҳосил миришкорлари амалга ошираётган агротехника тадбирлари билан танишиб чиқдилар.

Шоғиёсова бошлиқ бригада бу йил 93 гектар майдонда дала маликасини етиштирмоқда. Деҳқонлар юксак марраларни мўлжаллашди. Гектаридан 120 центнер — мажбуриятда илгари мўлжалланганидан 10 центнер кўп дон олишга аҳд қилинган. Бригаданинг далалари сизот сувлари юза бўлган заҳкаш ерда жойлашган. Шунинг учун бегона ўтлар тез бош кўтаради. Бу қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Эндликда ана шу қийинчиликлар кейинда қолди Маккажўхорининг баландлиги икки ярим-уч метр келади. Ҳар гектар ерда эса, 52 минг туп кўчат қолдирилган. Бу йил бу ерда экин янги усулда жойлаштирилди: 32 қатор маккажўхоридан кейин 8 қатор хашаки лавлаги экилди.

Тамара Шоғиёсова билан дўстона суҳбатда унинг мусобақадош ўртоқлари бу йил ҳар гектар ердан камида 100 центнер маккажўхори дони олишга ҳаракат қилаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг «1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олишда Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг тажрибаси тўғрисида»ги қарори Самарқанд области ғаллакорларини янги зафарларга руҳлантириб юборди. Область меҳнаткашлари бу йил 300 минг тонна, яъни пландагидан 100 минг тонна кўп дон топшириш мажбуриятини олишган.

Ҳозир далаларда иш қизғин. Деҳқонлар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланмоқдалар. Ҳосил тез ва нобуд қилинмай ўриб олинмоқда.

Самарқанд районидаги «Ленин байроғи» колхозининг азаматлари ўрим-йиғимда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Энг илғор комбайнчилар бир кунда икки норма миқдоридаги ғаллани ўриб олишмоқда.

Коммунист О. Қобилов ўз касбдошларига намуна кўрсатяпти. У бир кунда 7-8 гектар майдондаги ғаллани ўрмоқда.

Суратда: илғор комбайнчи О. Қобилов.

Р. Ғафуров фотоси, (ЎзТАГ).

МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

ИШТИХОН, 16 июль. Иштихон районидаги «Халқобод» колхозида Самарқанд область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари З. Норқулова, Нурота район партия комитетининг биринчи секретари А. Тиллаев, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жонқул Юсупов, Иштихон районидаги Навоий номли колхоз бригадири Тошбой Орзиқулов, Жомбой районидаги «Октябрь» колхозининг сут соғувчиси Карима Сафарова, Ургут район партия комитетининг биринчи секретари Б. Зиёев, Оқдарё районидаги «Даҳбед» совхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Исмоил Киборов, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз раиси Ҳикмат Асадов, шоир Самариддин Сирожиддинов иштирок этдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституциясининг лойиҳаси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги областнинг бутун ижтимоий ҳаётини активлаштириб юборишда қудратли омил бўлганлигини таъкидлаб ўтдилар. Советлар мамлакати Асосий Қонуни лойиҳаси кенг кўламда, чинакам амалий муҳокама қилинаётганлиги социалистик мусобақани янада авж олдириб, ижодий кучларни жўш урдириб юборди.

Кўпгина меҳнат коллективлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларга тузатишлар киритмоқдалар. Чунончи, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнатчилари бу йил кузда Ватан хирмонига 15 минг тонна, яъни илгари ваъда қилинганига қараганда бир ярим минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Область деҳқонлари Тошкент маккажўхорикорларининг ватанпарварлик ташаббусига жавобан бу йил 125 минг тонна «қаҳрабо дон» етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу эса, илгари белгиланган маррадан 15 минг тонна кўпдир.

Областнинг гектар бошига 60 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган 150 бригадасининг ватанпарварлик ташаббуси кенгашда юксак баҳога сазовор бўлди. Пастдарғом районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фармон Болтаев ва Каол Марке номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтура Кўмаков бошчилик қилаётган пахтачилик коллективларининг гектар бошига 125 центнердан маккажўхори дони олишга қарор берган «Даҳбед» совхозидаги Исмоил Киборов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадасининг тажрибаси алоҳида таъкидлаб ўтилди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ ана шу коллектив базасида илғор тажриба мактаби ташкил қилинган.

Кенгаш қатнашчилари ҳар бир хўжаликда, ҳар бир бригадада мўл ҳосил тўплашга эришиш зарурлигини қайд этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кенгашда нутқ сўзлади

Кенгаш қатнашчилари қабул қилинган мурожаатда Самарқанд область қишлоқ хўжалиги, саноати, қурилиши ва транспортининг барча меҳнатчиларини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборишга даъват этдилар.

МАШИНА ТЕРИМИГА МОСЛАБ

Пахтакор, чорвадор ва ғаллакорларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилишяпти. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида яратувчилик меҳнати жўш урмоқда.

Бу йил эрта баҳорда 1050 гектар майдонга чигитнинг «108-Ф» навини экканмиз. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзаларга беш марта комплекс ишлов берилди. Икки марта мирқиқириб суғорилди. Шу кунларда сув ва ўғитдан, техникадан янада самаралироқ фойдаланиш, колхоз учун ажратилаётган сувнинг ҳар бир литридан рационал фойдаланиш учун барча участкаларда қаттиқ иш боряпти.

Барча пайкаллардаги ғўзаларимиз ҳосилга кирди. Шу кунларда шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш учун астойдил ҳаракат қилаётган деҳқонларимиз бирор дақиқа ҳам ғўзанинг чанқатиб қўйилишига йўл қўймаётирлар. Хўжалик бўйича олинаётган сув ғўза қатор ораларига фақат «шарбат» усулида бериляпти. Сув қўйиш уч сменада ташкил этилган. Сувчиларнинг меҳнат ҳақларига устама ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди

Пайкалларда 24 та чопиқ т р а к т о р и ишлатиляпти. Тракторларнинг бекор туриб қолишига бутунлай чек қўйилди. Чунки техника қаровли хизмати яхши ташкил этилмоқда. Хўжаликда кўчма устахона ишлаб турибди. Натижада чопиқ тракторларидан унумли фойдаланиляпти.

Июнь ойида барча майдонлардаги ғўзаларга минерал ўғитларнинг йиллик нормаси солинди Ҳозир барча майдонларга маҳаллий ўғит ва қўй кийи солиш давом этяпти. Айрим ўсишдан қолган майдонларнинг ғўзаси эса алоҳида табақалаб парвариш қилиняпти Бундай майдонларга қўшимча минерал ўғит ҳам берилмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия комитети ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунга қадар давом эттириш мақсадида зарбдор эллик кунлик эълон қилди. Бу биринчи июлдан 20 августгача давом этади. Демак, 20 августгача ғўза парваришида бўшашувчиликка сира йўл қўйилмайди.

Ғўза парваришида Эштемир Хўжамбердиев, Хуррам Мойлиев, Робия Бекмуродова, Холиқул Алиқулов, Умрзоқ Янгибоев, Муҳаммади Бойжигитов, Рашид Ҳасановлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Ҳосил тақдири сувчи билан механизаторнинг қўлида. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнати хўжаликда алоҳида қадрланяпти. Механизаторларга, сувчиларга кунига икки марта бепул иссиқ овқат берилаётир. Пешқадам сувчилар, механизаторлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаётир. Ислом Раҳмонов, Орол Тўланов, Фармон Иброҳимов, Тўра Сафаров, Раҳмат Умиров, Рустам Раҳмонов, Норқобил Тошев каби механизаторлар, Сафар Турсунов, Жуманазар Дўстқораев, Эргаш Янгибоев, Боймурод Азимов, Эрназар Шомиров, Жамила Боймуродова, Жумагул Нормаматова, Соня Фармонова сингари сувчилар ғўза парваришида ғайрат кўрсатишяпти.

Ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда, ҳосил йиғим-теримига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ўтган йили бункерлардан 1,5 минг тонна пахта тўкилган эди. Юбилей йилида бу рақамни икки баравар оширамиз. Терим машиналари ёрдамида 3 минг тонна ҳосилни йиғиб-териб олишни режалаштирдик Бунинг учун асосий майдонлардаги ғўзаларни калтабўғин, сершох ва серҳосил қилиб ўстирямиз. Пайкалларнинг 800 гектаридаги ҳосилни терим машиналари билан саранжомлаб оламиз. Ҳозирдан тош-тарози ҳозирланмоқда. Йўллар созланяпти. Пахта ташийдиган тележкаларнинг ҳар бири камида 2 тоннадан пахта сиғадиган қилиб жиҳозлантириляпти. Мавжуд 14 та терим машинаси ремонтдан чиқарилиб, теримга шайлаб қўйилди. Яна иккита тўрт қаторли «Ўзбекистон» маркали терим машинаси сотиб оламиз. Демак, пахта теримида 16 та терим агрегати группа усулида ишлатилади. Ҳар бир группага биттадан кўчма устахона бириктирилади.

Ғўзаларнинг ривожи яхши, 20—25 августга пишиб етилади. Шунинг учун ҳам мутахассислар билан маслаҳатлашиб, машина теримига ажратилган майдонларни дефолиация қилишни 25 августда бошлашга қарор қилдик. Ғўза баргини сунъий тўкириш тракторларга тиркаладиган «ОВХ—14» маркали аппаратлар ёрдамида ўтказилади. Бунда химикатларнинг таъсири самарали бўлади.

Ўтган йили қўшни Калинин номли колхоз территориясида пахта қабул қилиш пункти очилган эди. Бу пункт энг узоқ участкаларимизга 13-15 километр келади. Шунинг учун ҳам тележкаларнинг кўпроқ рейс қилиши, терим машиналарининг тўхтаб турмаслиги чоралари кўриб қўйилди. Тележкалар бункер —пахта пункти маршрути бўйича ишлатилади. Машиналардан тащқари теримда мингдан зиёд теримчилар иштирок этишади.

Юбилей йилида пахтакорларимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан, жами 4 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Далаларда ғўза парваришини зиммага олинган ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этиш, ҳосил тўплаш, биринчи августгача ҳар бир туп ғўзада камида 8-10 тадан кўсак тўплаш учун бошланган кураш қизғин давом этмоқда

Момохол УЗОҚОВА,
Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

МЕТАЛЛУРГЛАР БАЙРАМИ

15 июль куни Москвада бўлиб ўтган тантанали йиғилиш металлургларнинг кунига бағишланди.

Президиумда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Э. Димшиц, Н. В. Мартинов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, СССР министрлари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари бор эди.

СССР қора металлургия министри И. П. Казанец билан СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломако доклад қилдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табрик мактуби йўлладилар.

(ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Прикарпат ҳарбий округи қўшинларининг Луцк, Львов, Ровно районидаги машқлари 16 июль куни тугади.

Машқ олдига қўйилган мақсадларга эришилди.

Машқда қатнашган қўшинлар ўзлари турган жойларга қайтиб келмоқдалар.

ҚЎШНИ — ҚЎШНИНИНГ ДАЛАЛАРИДА

Қашқадарё областининг ўзаро текшириш бригадаси Сариосиё, Шўрчи, Жарқўрғон, Гагарин, Бойсун районларидаги хўжаликларнинг далалари ва фермаларида бўлишди. Ўзаро текшириш бригадаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига сурхондарёлик деҳқонлар ва чорвадорлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар.

Қашқадарёлик қишлоқ меҳнат аҳлининг намояндалари Сариосиё районидаги «Коммунизм», Калинин номли, Шўрчи районидаги Киров номли, «Коммуна», «Ленинобод, Жўрқўрғон районидаги Н. Боймуротов номли ва «Коммунизм» колхозларида, «Пограничник», «Янгиобод» совхозларида ғўза парваришини яхши ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ерда ўсимликнинг тўртинчи комплекс парвариши тамомланган, сув, маҳаллий ўғит, техникадан юқори унумли фойдаланилмоқда. Ғўза механизация воситаси билан чеканка қилишга киришилди. Ҳозир далаларда 300 дан ортиқ чеканка қиладиган агрегат ишлаб турибди.

Гагарин районидаги ихтисослаштирилган «Искра», «Шоликор» совхозларининг шолипояларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Сурхондарёлик деҳқонлар ғалла, сабзавот тайёрлаш планларини ҳозироқ муддатидан илгари бажариб қўйдилар.

Текширувчилар айни пайтда баъзи бир камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Айрим бригадаларда ғўза сифатли культивация қилинмаётир, ғўзани ўт босиб кетган участкалар бор, сув тежаб-тергаб сарфланмаётир.

Мусобақадош дўстлар тажрибаларини ўртоқлашдилар, камчиликларни қандай қилиб тезроқ тугатиш, 1977 йилда олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш йўлларини айтиб бердилар.

(ЎзТАГ).

* * *

АНДИЖОН. Наманган области пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ўз вақтларининг бир қисмини Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг Ўктам Сохибов бошлиқ бригадасининг 100 гектарлик пахта майдонини кўздан кечиришга бағишлади. Меҳр билан парвариш қилинганлиги туфайли бригада далаларида ғўзалар кўсак ҳосил қилиб, тез ривожланмоқда. Бу ерда 60 центнерлик пахта ҳосили етилмоқда. Ўсимликларнинг қатор ораларини яхшилаб юмшатилган, уларга ўз вақтида шарбат суви берилмоқда. Наманганликлар ҳар бир ғўза тупида ўрта ҳисобда 10-12 тадан кўсак борлигини аниқладилар. Чеканка тугалланган. Деҳқонлар «Ҳосилга — зарбдор 50 кун» шиори остида мусобақани авж олдириб юборганлар.

Мусобақадош дўстлар Андижон области колхоз ва совхозларининг 4 минг гектардан кўпроқ майдондаги пахтазорларини кўздан кечирдилар. Улар пахтакорлар билан қилган суҳбатларида бир канча хўжаликлар номига танқидий гаплар айтдилар.

Наманганликлар қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг район кенгашларида Андижон области далаларида ўзлари кўрган нарсалар ҳақида ахборот бердилар, ўз мулоҳаза ва истакларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ҳамда СССР Давлат мукофотлари комитети билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1978 йилги Ленин мукофотларини олиш учун тақдим этиладиган асарларни қабул қиладилар. Асарлар 1977 йил 16 октябрга қадар қабул қилинади. Кечи билан 1976 йил 15 октябргача эълон қилинган (барпо этилган) асарлар қабул этилади.

Комитетлар айни вақтда 1978 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун тақдим этиладиган асарларни қабул қилади. Асарлар 1977 йилнинг 15 декабрига қадар қабул этилади. Кечи билан шу йил 15 июлгача эълон қилинган (барпо этилган) асарлар қабул қилинади. Илмий асарлар кечи билан 1976 йил 15 декабрга қадар эълон қилинган бўлиши керак.

Айни бир асарни бир вақтнинг ўзида ҳам Ленин мукофотини олиш учун, ҳам СССР Давлат мукофотини олиш учун тақдим этишга рухсат берилмайди.

Асарларни тақдим этиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетига: Москва, 3-Тверская-Ямская, 46, телефонлар — 250-38-08; адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетига: Москва, ГСП-4, Неглинная кўчаси, 15, телефонлар — 223-44-67, 223-19-30.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми темир йўл транспортида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ҳаракатҳизмати бошлиғи — Урта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Азиз Одиловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва маъмурий органларда кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг катта консультанти Светлана Александровна Травкованни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎРИГИ

Совет халқи КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини зўр маннунлик билан кутиб олди. Барча меҳнат коллективларининг диққат-эътибори янги Конституция лойиҳасини муҳокама этишга қаратилган. Бу муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Чунки, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Ўзбекистонда ишчилар синфи эндигина туғила бошлаган эди. Ҳозир республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг ярмидан кўпроғини ишчилар синфи ташкил этади. Ҳозирги ишчилар саводли, замонамизнинг етук кишиларидир. Улар мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли хўжайинларидир. Ватанпарварлик ташаббусларининг ижодкорлари, тўқимачилик ва енгил саноат ишчиларидан 20 мингдан ортиқ киши тошкентлик тўқимачилар Л. П. Казанцева ва Е. А. Губинанинг ташаббусига қўшилиб, «Тўқимачилик станокларида ишлаш эвазисини кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтарайлик» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Турли касбдаги 740 ишчи ишлаб чиқариш илғори ўнлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бир беш йилликда икки беш йиллик план-топшириғини бажариш учун меҳнат қиляпти. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақалашаётган ишлаб чиқариш илғорлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. Улар орасида Жиззахдаги 2517-автоколонна ҳайдовчиси Василий Гаврилов, Тошкентдаги «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-фабрика дурадгори Ҳасан Тўлаганов, Андижондаги электродвигатель заводининг пресcловчиси Николай Голев ва бошқалар бор.

Социалистик мусобақа машъаллари Конституция берган меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошира бориб, унга ижодий ёндашмоқдалар. Ўз севган ишларига бутун талант ва қобилиятларини сарф этмоқдалар. Улар давлатни бошқариш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Конституция лойиҳаси гражданларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисидаги моддаларни янада чуқурлаштирди ва кенгайтирди. СССР гражданлари давлатни бошқариш ва жамоат ишларида иштирок этиш, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш, ишдаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эга. Янги Конституция лойиҳасида меҳнат коллективларининг жамиятга қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифадир.

КПСС XXV съезди вазифаларини амалга ошириш учун касаба союз ташкилотларининг тарбиявий ролини янада ошириш, уларнинг мазмунан бой, форма жиҳатидан ранг-баранг бўлишига эришиш лозим. Меҳнаткашларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш касаба союзлар тарбиявий ишининг бош йўлидир. Биз социалистик мусобақа форма ва методларини янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Ана шу мусобақа асосида ишчиларнинг ўз корхоналарига ватанпарварлик муносабати коллектив олдидаги масъулият ва бурчни ҳис этиш, ёшларни меҳнат ва коммунистик руҳда тарбиялаш методларидан бўлган мураббийлик ҳаракатини амалга оширишни бундан буён ҳам кенгайтириш ва такомиллаштириш зиммамиздаги энг масъулиятли вазифалардандир.

Республика касаба союзлари ихтиёрида 753 клуб, маданият уйи ва саройлари, мингдан ортиқ кутубхона, 11 минг қизил бурчак бор. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 270 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб клублар ва маданият саройлари сони бирмунча кўпаяди. Клуб иши формаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Касаба союзлар меҳнаткашларнинг дам олиш ҳуқуқини амалга оширишда, уларни соғломлаштиришда актив иштирок этмоқда. Республикамиз касаба союзлари 14 та шифохона, 69 та санаторий-профилакторий, 160 дан ортиқ дам олиш уйи ва базасига эга. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида фақат санаторийларда даволаниш, дам олиш, туристларга хизмат қилиш, ишчи ва хизматчиларга пархез таомлар бериш учун кетган сарф-харажатлар 8 миллион сўмга яқин кўпайди.

Янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги Ватанимиз эришган улуғвор ютуқларнинг кўриги, партия ва халқ бузилмас бирлиги, социалистик демократия тантанасининг далилидир. Янги Конституция лойиҳасининг муҳокамаси омма ижодий активлигини янада кўтаради, меҳнаткашларни янгидан-янги муваффақиятлар сари илҳомлантиради.

Янги Конституция лойиҳасини муҳокама этишда актив иштирок этиш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, янги ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун белгиланган планларни амалга оширишга самарали таъсир кўрсатиш республика касаба союзларининг асосий бурчидир. Бунинг учун бутун куч ва имкониятларни ишга соламиз.

К. ҚОЗОҚБОЕВ,
Узсовпроф секретари.

МЕҲНАТКАШЛАР ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДАЛАР

Республика шаҳар ва қишлоқларида сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда СССР Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Меҳнаткашлар ана шу муҳим ҳужжатни қизғин маъқуллаб, Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга ўрток Л. И. Брежнев қўшган улкан ҳиссани алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар. Улар жамиятимизнинг Асосий Қонуни лойиҳасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк ғалабалари, мамлакатимиз меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида коммунистик қурилишда қўлга киритган жуда катта муваффақиятлар ўзининг ёркин ифодасини топганлигини фахрланиш ҳислари билан гапирмоқдалар.

Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг намояндалари ана шу ҳужжатни муҳокама қилиш давомида СССР Конституцияси лойиҳасига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилмоқдалар. Бу таклифларнинг ҳаммасини Ватанимиз равнақи тўғрисидаги ғамхўрлик, КПСС XXV съезди белгилаб берган тарихий вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш иштиёқи тақозо этмоқда.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси И. М. Басанец ўз коллективида бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиқиб, лойиҳанинг «Совет кишиларининг эркин меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир» сўзлари билан бошланган 13-моддасида алоҳида тўхталиб ўтди. Илғор ишчининг фикрича, меҳнат таърифидаги «эркин» сўзидан кейин **«ҳалол»** сўзи қўшиб қўйилиши керак.

Наманган районидаги Энгельс номли колхоз комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи К. Рахмонова колхозчиларнинг йиғилишида 11-модданинг «колхозлар эгаллаб турган ерлар текин ва бемуддат фойдаланиш учун уларга бириктириб қўйилади», дейилган қисмига қўшимча киритди. Бригада бошлиғи ана шу сўзлардан кейин **«Колхозлар ерни эҳтиёт қилишни ва ундан юқори самарали фойдаланишни таъминлашлари, ҳар гектар ернинг, айниқса суғориладиган ернинг иқтисодий самарасини йил сайин оширишлари лозим»** деган жумлани қўшиб қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

Фалсафа фанлари кандидати В. Степанов 24-моддадаги СССРда ишлаб турган ва ривожланаётган давлат системаларининг рўйхатини кенгайтириш зарур деб ҳисоблайди. **«Ў соғлиқни сақлаш»** сўзларидан кейин **«Жисмоний тарбия»** сўзларини қўшиб қўйишни таклиф этади.

Тошкент шаҳридаги 2-поликлиника бош врачи Х. А. Зоҳидова совет кишиларининг соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида ҳиқоя қилувчи 42-моддани бирмунча кенгайтиришни таклиф этади. У таклиф қилган тузатишнинг мазмуни қуйидагича: **«СССР гражданлари ўз соғлиғи ва жамият бошқа аъзоларининг соғлиғи тўғрисида қайғуриши лозим».**

Тошкент медицина институтининг доценти, район Советининг депутати Т. А. Даминовнинг диққат-эътиборини СССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақидаги 44-модда ўзига жалб этди. У мазкур моддага **«Давлат уй-жой фондини сақлаш учун совет гражданларининг масъулияти оширилсин»** деган сўзларни киритишни зарур деб ҳисоблайди.

«Ижтимоий фойдали фаолиятнинг ўзи танлаб олган соҳасида ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қаттиқ риоя қилиш меҳнатга лаёқатли ҳар бир СССР гражданининг бурчи ва шарафли ишидир» дейилган 60-модда меҳнаткашларда қизғин фикрлар туғдирмоқда. Мирзачўл районидаги бинокорлик материаллари комбинатининг бетончиси **Д. Ф. Атемасова социалистик жамиятда ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган кишилардан қатъий жавобгарлик талаб қилиш керак,** деб таъкидлайди. У дайди, ичкиликбоз, иш ёқмасларни жазолаш тўғрисидаги қоидани Конституцияга киритишни таклиф этади. Янгийўл ёғ-мой комбинатининг катта рафинери К. А. Грошева қуйидаги сўзларни ёзиб қўйишни таклиф қилади: **«Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчилар меҳнат тўғрисидаги қонунга мувофиқ моддий ва маънавий жавобгардирлар».**

«СирдарьяГРЭСстрой» бригадири Э. Улановнинг 61-моддага киритган тузатиши давлат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилгандир. У «давлат ва жамоат мулкини талон-торож ва исроф қилишга қарши курашиш —СССР гражданларининг бурчидир», деган жумлани кучайтириб, **«Исроф қилишга»** сўзларидан кейин **«ҳамда иш вақтини беҳуда ўтказишга»** сўзларини қўшиб қўйишни таклиф этади.

СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг қатнашчилари Асосий Қонуннинг ёшларга, ёш авлодни тарбиялашга бағишланган бўлимларига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Тошкентдаги 176-мактаб директори, Фрунзе район Советининг депутати Т. Г. Филенко 66-моддаларнинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. Бу моддада шундай дейилган: «СССР гражданлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстириши шарт». Т. Г. Филенко бу моддани **болалар тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги** қоида билан тўлдириши зарур деб ҳисоблайди. «Билим» жамияти «Оқолтин» район ташкилотининг масъул секретари А. Исматуллаев 66-моддага **«муносиб ўринбосарларни тайёрлаш ҳар бир совет меҳнатчисининг бурчидир»** деган **сўзларни қўшиб қўйишни тавсия этади.**

[ЎзТАГ].

Республикамиз саноат корхоналарида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун ишчи-хизматчиларнинг ғайрати янада жўш урмоқда. Суратларда: 1. Бектемирдаги насос станциялари учун машиналар тайёрлайдиган корхонанинг илғор ишчиси Л. Лунева. 2. Намангандаги шойи газламалар комбинатининг меҳнатсевар ишчиларидан Р. Ҳамзина ва С. Эгамбердиева.

А. Тўраев ва И. Глауберзон фотолари.

БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Ўзбекистоннинг кўпгина меҳнаткашлари тараққиёт учун курашда Афғонистон эришган муваффақиятларга ўзларини дахлдор деб тўла асос билан ҳисобламоқдалар. Улар бошқа совет мутахассислари билан биргаликда янги корхоналар қуришда, йирик қишлоқ хўжалик комплексларини барпо этишда, ирригацияни ривожлантиришда афғон дўстларга ёрдам бердилар ва ёрдам бермоқдалар. «Гидропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимида қўшни давлатнинг миллий байрами — республика кунига бағишлаб 15 июль куни ўтказилган йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Йиғилишда Афғонистон билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамияти Узбекистон бўлимининг активлари иштирок этдилар.

Йиғилиш аҳли совет—афғон дўстлигининг самарали натижаларини мамнуният билан қайд этдилар. Улар дўст мамлакат халқига тинч бунёдкорлик меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

БУГУН—МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

ОЛОВ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Оловли корхона. Оловли цехлар. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводига, унинг мартен ва прокат цехларига нисбат бу сўзлар. Мана, уч қатор мартен печлари ер сатҳидан беш-тўрт метр баландда гувуллаб, ёлқинланиб ишлаяпти. Уларда эритиладиган темир-терсаклар ёнида вагонларга тўлатиб солинган кулранг-сариғиш тошлар. Тоғдан олиб келинган бу тошлар муштдай, ундан каттароқ ёки кичикроқ қилиб майдаланган. Кўзни қуёшдай қамаштирадиган уч минг градусли олов ичига шу тошлар икки соат давомида 65 тонна темир, 35 тонна чўян билан аралаштириб ташланади. Улар 4-5 соат чамаси темирга қўшилиб мисоли сув бўлиб эрийди. Темир-терсакдаги занг-пангларнинг ҳаммасини ўзига олади-да, чиқинди шлакка айланиб чиқиб кетади. Ана ундан кейин соф пўлат қолипларга қуюлиб тушади.

Тўғри, бу — ҳатто тошни эритадиган ва зангни соф пўлатдан ажратиб ташлайдиган мартен печидаги зўр ҳароратнинг иши. Лекин мўъжиза бошқа ёқда —одамларда. Уларнинг касбга муҳаббати, матонати ва жасоратида.

Биз заводга борганимизда Виктор Дубов бошлиқ пўлат эритувчилар бригадаси сменада экан. Гайбулла Абдуллаев, Юрий Динников, Владимир Тимонинларнинг ишини кузатиб ҳайратландик. Оғзидан аждар каби олов пуркаб турган печь ёнида ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли одамларгина ишлай олиши мумкин. Бригада аъзолари шошилишмас, лекин уларнинг сўзсиз ижро ишорали ҳаракатларидан эпчиллиги, бир-бирини яхши тушуниши, маҳорати, вазифаларининг аниқ белгиланганлиги шундоққина кўриниб турарди.

Завод партия комитети секретари Мамасодиқ Жамолиддинов кейинги йилларда корхонада ишчиларнинг оғир қўл меҳнатини қисқартириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида каттагина ишлар амалга оширилганини сўзлаб берди.

Лекин, барибир олов-оловда! Ҳар қанча совуқ ҳаво ва сув зарраси пуркалганда ҳам бу ердаги ҳарорат эллик-олтмишдан пастга тушмайди.

— Олов пўлатни эмас, бизни ҳам тоблаб юборган, — дейишади ҳазил аралаш ишчилар.

Йўқ, бу ҳазил эмас, ҳақиқат! Ишчи муҳити пўлат эритувчиларда энг яхши инсоний хислатларни тарбияламоқда, касбга муҳаббат, корхонага садоқат, келажакка ишонч, ишчилар синфига мансублиқдан ғурурланиш туйғуларини камол топтирмоқда.

Биринчи ўзбек пўлатини 1944 йил 5 март куни соат 5 дан 40 минут ўтганда Ҳафиз Ганиев, Анвар Тошпўлатов ва Михаил Романович Шеловановлар эритишган эди. Улар қоидага биноан йигирма беш йил ишлаб, эллик ёшларида пенсияга чиқандилар. Бироқ оёқларини узатиб уйда ўтириша олмади. Завод уларни шунчалик сеҳрлаб қўйгандики, яна жонажон корхоналарига қайтиб келишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Ганиев — ҳозир катта мураббий. Бой тажрибасини ёшларга ўргатяпти. М. Шелованов ва А. Тошпўлатовлар ҳам яна мартен цехига қайтиб, пўлат қуйяпти!

Бошқа бир мисол. Владимир Тимонин 1943 йил йигирма ёшида Кемерово областидан келганди. Эсида: ҳаммаёқ оппоқ қор, изғирин, Бекобод шамоли кўз очирмасди. Заводни қуришда қатнашди. Кейин пўлат эрита бошлади.

— Дастлабки тўрт йилда темир-терсакни печларга қўлда ташлардик, — хотирлайди у,—роса оғир эди-да!

Рафиқаси — Елена Кирилловна ҳам шу корхонада, техника назорати бўлимида. Беш фарзанди бор. Тимониннинг уйини завод қуриб берган. Ўғилларида пўлат эритувчилик касбига муҳаббат уйғота олди, улар ота изидан боришмоқда. Катта қизи эса бетончи. Ўртанчаси физкультурадан сабоқ бераяпти. Кичиги — ҳали мактабда.

— Кемеровога қайтмоқчи ҳам эдим, кетолмадим, — жилмаяди у. Сўнг тан олди. — Бордиму ёқмади.

В. Тимонинга туғилиб ўсган шаҳри нима учун «ёқмаганлиги»нинг сабабини билиш қийин эмас. У йигитлик чоғини, умрининг энг гўзал фаслини Бекободга бағишлади. Шу шаҳарда чуқур илдиз отди, бахт топди, обрў қозонди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари: Саид Нуриддинов, Асад Эргашев, КПСС XXV съезди делегати Мамажон Едгоров, қўша-қўша ордендор Анвар Тошпўлатов, Михаил Шелованов, Владимир Тимонин, Шерали Ҳамроқулов... Булар ишчи муҳитининг юксак ҳароратида тобланиб чиниққан ва маънавий дунёси тез камол топган кишилардир. Улар ва издошларининг фидокорлиги, заҳматкашлиги туфайли завод олдинги марраларга чиқиб олди. Учта мартен печининг ҳар бирида 35 тоннадан пўлат эритиш мўлжалланган эди. Ҳозир 85-90 тоннадан маҳсулот чиқаришяпти. Бекободликлар 1944 йили 10,8 минг тонна пўлат олишганди. Эндиликда бу кўрсаткич 300 минг тоннага етди. 1946 йили бир сменада 60 та қуйма прокат ишлаб чиқариш унумдорлигининг чўққиси саналарди. Шу кунларда соатига 200 та қуйма прокат ҳосил қилиш нормага айланган.

Сўнгги хушхабар: мартен цехи коллективи пўлат эритиш юзасидан социалистик мажбуриятини жуда ҳам ошириб бажарди. Мамлакат йил бошидан бери Бекобод пўлат қуювчиларидан пландан ташқари кўплаб тонна металл олди.

Яқинда корхонада ГДРлик инженер Берд Теплер меҳмон бўлган эди. У пўлатни узлуксиз қуйиш мосламалари иши билан танишгани келганди.

— Мен Европанинг кўпгина металлургия заводларида бўлдим, — деди у суҳбатда. — Бутун масъулиятни бўйнимга олиб айтишим мумкинки, сизларнинг Бекободдаги заводингиз уларнинг энг яхшилари қаторида ишлаяпти.

Бу гапларга қўшимча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Э. ҲУЖАЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

Х ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

ЧИЛИ ХАЛҚИ ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

Чили — планетамиздаги тараққийпарвар кучлар халқаро бирдамлигининг рамзи. Кўпгина мамлакатларнинг кинематографиячилари Чили халқининг келажаги учун, уни фашист хунтасидан озод қилиш учун курашда фаол иштирок этмоқдалар. Москвада ҳозир бўлаётган халқаро киноанжумани бунинг далилидир. Бу киноанжуманда ҳаётни хавф-хатар остида қолдириб, суратга олинган Чили ватанпарвар кучларининг коллектив авторлари яратган ёркин ва оташин кинопамфлет уч минут давом этади. Унда Пиночетнинг Гитлер билан маънавий ўхшашлиги яққол кўрсатиб берилган.

«Революцияни тўхтатиб бўлмайди» (Чилининг ватанпарвар кучлари) фильмида томошабинлар кўз ўнгидан дарғазаб бўлган, қаҳридан муштумларини қисган кишилар ўтади. Бу фильм фашист хунтасига қарши жаҳондаги тараққийпарвар кучларнинг бирдамлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи кўпгина кинолепталарни ўзида жамлаган.

«Зарядье» кинотеатрида конкурс фильмлари кўрсатилганидан кейин ана шу мамлакат халқи билан бирдамлик ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатли кинолепталар кечаси ўтказилади.

Т. ГРОМОВА.
ТАСС мухбири.

Клуб деворининг бир бурчагида кўксида иккита Ленин ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати нишони тақилган аёлнинг расми турибди. Хўш, шунчалик иззат-икромга сазовор бўлган бу аёл ким?

...1935 йил. Баҳор кунларидан бири эди. Юз-кўзларидан ғайрат балқиб турган ёшгина жувон колхоз раиси кабинетига кириб келди. Раис ҳол-аҳвол сўраб, унинг мақсадини билади. Раис аввал: «Аёл киши тракторчи бўлса, қанақа бўлар экан!» — деган хаёлга боради. Мастурахон қаттиқ туриб олгач, бошқа гапга ҳожат қолмади.

Тракторчиликка меҳр-муҳаббат қўйган Мастурахон Азизова машина-трактор станцияси қошида очилган қисқа муддатли курсга юборилди. У курсни битириб, уч йил Самарқанд районидаги «Қизил намуна» колхозида тракторни бошқарди. Ер ҳайдади, чигит экди, ғўза қатор ораларини культивация қилди, экинларни суғориш учун эгат олди. Мавсумий топшириқларни ошириб бажарди. МТСда илғор ва уста механизатор сифатида танилди, шуҳрат қозонди.

М. Азизованинг номи машина-трактор станциясида ва район қишлоқ хўжалик ходимлари йиғилишларида тез-тез тилга олинадиган, мақталадиган бўлиб қолди. 1939 йилнинг бошида тракторчиликдан бригада механиги лавозимига кўтарилди. Шундан сўнг у ўз дугоналарини, ҳамқишлоқларини механизаторлик касбини эгаллашга даъват қила бошлади. Уларни ўз ёнига тортди. Меҳрихон Ашурова, Мусаллам Шокирова, Фотима Ҳалимова бу уста механизатор устозлигида тракторчилик касбини эгалладилар. Бригада ўзига бириктирилган тўртта ҳайдов ва шунча универсал -опиқ тракторлари билан ўнта майда колхозга хизмат қила бошлади.

Трактор бригадасининг 1945 йил иш якуни ва кейинги йил учун олган социалистик мажбуриятлари ҳақида областда чиқадиган «Ленин йўли» газетасининг 1946 йил 8 март сонида босилган мақоласида М. Азизова шундай деган эди:

— Мен етти йилдан бери бригада механиги бўлиб хизмат қиляпман. Ундан олдин тракторчи эдим. Ҳар йили трактор бригадамиз, тракторчиларимиз берилган топшириқларни ошириб бажариб келмоқда. 1945 йили ҳар бир трактор билан 500 ўрнига 975 гектардан, жами 3900 гектар ер ҳайдадик. Биз тежамкорлик билан ишлаб, мавсумда 4000 килограмм ёнилғини иқтисод қилдик. 1946 йилги ер ҳайдаш, экиш ва қатор ораларини парвариш қилиш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажарамиз. Мавсум топшириқларини 200 процент қилиб бажаришга аҳд қиламиз. Бунинг учун икки сменада ишлаймиз. Шу шарт билан ҳар биримиз биттадан шогирд тракторчи тайёрлаймиз.

Мастурахон Азизова бошлиқ бригаданинг бу ташаббуси Самарқанд область партия комитети томонидан маъқулланиб, алоҳида қарор қабул қилинди ва бу ташаббус областдаги барча механизаторлар ўртасида кенг ёйилди. Йил охрида бригада механизаторлари берган ваъдалари уддасидан чиқдилар. Трактор бригадаси биркитилган колхозларда чигит экиш ўз вақтида, агротехника жиҳатидан қулай муддатларда юқори сифатли қилиб бажарилди. Бригада шунингдек, экишда орқада қолаётган Оқдарё районидаги колхозларига ҳам ёрдамлашди. Бу хўжаликларда ер ҳайдади, чигит экди. Бригада аъзолари ўша йили социалистик мусобақада голиб чиқиб, ҳукумат мукофотларини олишга муяссар бўлдилар. Мастурахон Азизованинг кўксига эса олий мукофот — Ленин ордени тақиб қўйилди.

— Мастурахон ўт-олов аёл эди, — деб эслайди унинг касбдоши, ҳозир «Узсельхозтехника» область бирлашмасида меҳнат қилаётган кекса тракторчи Облоқул ака Раҳмонқулов. — Улуғ Ватан уруши йилларида, ғоят оғир шароитларда айниқса, бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилди. Биз у билан лалмикор ерларга чиқиб дон экардик, ҳосилни йиғиштириб олардик.

Зарафшон водийсида хотин-қизлардан чиққан биринчи тракторчи Мастурахон Азизова уруш йилларида бригадага раҳбарлик қилар экан, айни пайтда муносиб шогирдлар етиштиришга ҳам зўр берди. У икки-уч йил ичида қирқдан ортиқ тракторчини тарбиялаб етиштирди.

Ташаббускор механизаторнинг юксак хизматлари кўп тақдирланди. У икки марта Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ютуқлари виставкасида қатнашди. Фахрли ўринни эгаллаб, виставка бош комитетининг дипломлари билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бир неча Фахрий ёрлиқларини олди. Ўзбекистон Компартияси X ва XI съездларига делегат қилиб сайланди.

Райондаги Куйбишев номли колхоз аъзолари моҳир механизатор Мастурахон Азизовани 1950 йилда правление раисининг механизация бўйича ўринбосари қилиб сайладилар. У бу вазифада ҳам зўр ташаббус кўрсатиб ишлади. Унинг даъвати билан Янгиариқ массивига ҳужум бошланди. Мастурахон бошлиқ чўлқуварлар техника кучи билан талай янги ерлар очишди. 250 гектар майдон ўзлаштирилиб, пахта, беда, сабзавот экилди, боғ-роғлар кенгайтирилди. Тажрибали механизатор 1956 йилда иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Мастурахон Азизова ташаббускорлиги, ишчанлиги, ўзига топширилган вазифани чуқур масъулият сезиб бажариши билан ҳаммага ибрат кўрсатарди. Шу сабабли ҳамқишлоқлари уни бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. У ўзига топширилган вазифани сидқидиллик билан адо этиб, депутат сифатида қишлоқларни ободонлаштириш, янги ерларни ўзлаштиришда жонкуярлик қилди.

Халқимиз ҳамиша эл учун, элни деб ҳалол меҳнат қилган кишиларни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эслайди. Мастурахон Азизованинг мўътабар номи ҳам самарқандликлар учун азиз бўлиб қолган. У 1958 йилда пенсияга чиққанидан кейин уч йилгина яшади. Аммо у умрининг охиригача қимматли маслаҳатлари билан ҳам ҳамқишлоқларига кўмаклашиб турди. Мастурахон Азизованинг номи касбдошлари қалбидан чуқур жой олган. Улар хотин-қизлардан биринчи тракторчи бўлиб етишган механизатор М. Азизованинг катта суратини бошқа ҳурматли ва эътиборли ҳамқишлоқлари қатори колхоз клубидаги шон-шуҳрат галереясига осиб қўйишган. Ҳозир унинг фарзандлари Нуриддин, Ҳамида, Муҳайё, Гулчеҳралар она изидан бориб, эл учун куч-ғайрат сарфлаб меҳнат қилмоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИРИНЧИ ТРАКТОРЧИ



Тошкент область Калинин районидаги «Москва» совхози меҳнаткашлари бу йил эл дастурхонига 5300 тонна сабзавот, 1100 тонна картошка, 1400 тонна полиз маҳсулотлари, кўплаб сут ва гўшт етказиб берадилар. Хўжалик полизчилари «Совет Узбекистони» газетаси, Узбекистон телевидениеси ва радиоси республика Қишлоқ хўжалик министрлиги билан ҳамкорликда ширин-шакар қовунлар етиштиришни янада кўпайтириш бўйича ўтказаётган кўрик-конкурсда фаол қатнашиш истагини билдирганлар. Маълумки, конкурс-кўргазма шу йил сентябрь ойида Узбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида намойиш этилади ва ширинак ўтказиш йўли билан якунланади. Ширинакна «Москва» совхози полизчилари ҳам ширин-шакар қовунлари билан иштирок этадилар. Ҳозир совхоз далаларида эртаги қовун пиша бошлади, кечки қовунлар эса юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Суратларда: (чапдан) «Москва» совхози моҳир полизчилари Хам Сергей, Тоҳир Нурмонов, Абу Еримбетов, Шосаид Ҳакимов ўртоқлар. Улар ўзлари етиштираётган қовун ҳосилини ҳамда палакларнинг ривожини кўздан кечиришяпти.

А. Тўраев фотолари.

ИСТИҚОМАТ ЖОЙЛАРИДА

Республика пойтахтидаги партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни кенгайтирмоқдалар. Пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, «Билим» жамияти лекторларидан қарийб 20 минг киши уй-жой кварталларида ва маҳаллаларда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ҳамма жойда аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида иш олиб бораётган турли ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши лозим бўлган микрорайонларнинг кенгашлари тузилмоқда. Чилонзор, Октябрь, Собир Раҳимов районларида ва шаҳарнинг бошқа районларида, уй-жой кварталлари ва маҳаллаларда маданият ва ҳуқуқий билимлар университетлари, доимий агитпунктлар ташкил қилинган, аҳолининг коммунистик турмуш уйи деб аталиш ҳуқуқини олиш учун мусобақаси авж олдириб юборилди. Янги маросимлар ва урф-одатларни турмушга жорий этиш соҳасида активларнинг кўрсатаётган ташаббуси тобора кенг ёйилмоқда.

Меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишларни уюштирувчи ташкилатчиларнинг Тошкент шаҳар партия комитети 15 июль куни ташкил қилган семинар-кенгашида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапирилди. Семинар-кенгаш қатнашчилари орттирилган тажрибаларни ўртоқлашдилар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш, СССР янги Конституцияси лойиҳасини пропаганда қилиш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида гапириб бердилар.

(ЎзТАГ).

ИККИ ЯРИМ ПЛАН МИҚДОРИДА ДОН

Деҳқончилик қиладиган ерларимиз Самарқанд районининг Янгиариқ массивига туташиб кетган. Кўпи ламмикор, қақроқ чўл ҳисобланади. Янгиариқ канали ўтказилгандан кейин чўлга ҳужум бошланиб кетди. Бир қисми сувли ерга айлантирилди. Шартли суғориладиган карталар вужудга келтирилди. Каналдан суғориш шохобчалари чиқарилиб, тамаки, беда, ғалла майдонлари анча кенгайтирилди. Экинларнинг ҳосилдорлиги ошди. Хусусан, ғаллачиликни ривожлантириш имкониятлари туғилди.

Техниканинг кучи билан бултур кузда 616 гектар ерга буғдой ва 56 гектар ерга арпа экканмиз. Бунинг 200 гектари суғориладиган, қолганлари эса лалмикор ер эди. Биз эрта кўкламда ҳамма ғалла майдонини бороналадик, майсани озиқлантирдик. Сел ва чашма сувларидан фойдаланиб, катта майдондаги ғаллани суғордик. Омонқўтон сойларидан оқиб келаётган сув ҳам ғаллазорга ҳайдалди. Натижада, сувли ва шартли суғориладиган ерлардаги ғалла ҳосили ёмон бўлмади, кўкламнинг қуруқ келишига қарамай, бошоқлар тўқ ва сердон бўлди.

Тоғ зонаси эмасми, ғалла кеч пишиб етилди. Кузги ғалла пишиб етилиши биланоқ, уни ўриб-йиғиб олишга киришдик. Олти комбайн, бир неча дон тозалаш машиналари билан ўриш, янчиш ва тозалаш ишларини қизғин бошлаб юбордик.

Ана шу тадбирлар амалда яхши самара бермоқда. Кунлик ғалла ўриш ва давлатга дон топшириш графиги ошириб бажарилаётир. Бугунгача мавжуд ғалланинг ярмидан кўпи ўриб олинди. Баҳром Эшимов, Даминбой Ашуров, Эрназар Шодиев каби комбайнчиларимиз кунлик ўриш топшириғини ошириб бажаряптилар. Уларнинг ҳар бири мавсум бошидан буён ўрган ғалла майдони 300 гектардан ошиб кетди.

Давлатга 220 тонна ўрнига 320 тонна ғалла сотиб халқ хўжалик планини ошириб бажардик. Уруғлик фондига 60 тонна сара дон тўкилди. Яна шунча дон тўплаб, уруғлик фондини тез кунда тўлдирамиз. Биз имкониятларимизни қараб чиқиб, қабул пунктига яна 300 тонна дон топшириш мажбуриятини олдик ёки давлатга икки ярим план миқдорида дон сотишга ваъда қилдик. Албатта, сўзимизнинг устидан чиқамиз. Сувли ерлардаги донни асосан йиғиштириб бўлдик. Азамат Бобоқулов бошлиқ бригада 83 гектар сувли ердаги кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил олишга эришди.

Ўрим-йиғим чоғида дон қатори сомон жамғаришга ҳам катта эътибор берямиз. Чунки колхозимиз йирик қорамолчилик фермасига эга. Фермамизда 700 бош сигир-бузоқ боқилмоқда. Фермадаги транспорт ва барча ишчи кучлари сомон тўплашга сафарбар этилган. Бугунгача пландаги 317 тонна ўрнига 380 тонна сомон жамғардик. Яна шунча сомон жамғаришни мўлжаллаяпмиз. Анча майдонда донли маккажўхори бор. Ҳар гектаридан 80 центнердан дон ва 500 центнердан силосбоп кўкпоя оламиз.

Ғаллачилик бригадаларимиз ҳосили йиғиштириб олинган ерларни пешма-пеш ҳайдашяпти. Бу ерларнинг бир қисмига силосбоп маккажўхори ва тариқ экишни планлаштирдик.

А. ТУРАҚУЛОВ,
Самарқанд область Ўргут районидаги «Москва» колхози раиси.

Оламда нима гап

ТУНИС, 16 июль. (ТАСС). Совет Иттифоқи билан Тунис ўртасида маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

СССРдан келган ўқитувчиларнинг катта бир группаси Тунис инженер кадрлар тайёрлаш институтида ишлаб турибди. СССРнинг ёрдами билан қурилган бу институт мамлакатнинг инженер ва техник кадрлар тайёрловчи биринчи олий ўқув юрти бўлиб қолди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК

Институт ривожланаётган миллий экономика ғоят муҳтож бўлиб қолган мутахассисларни —қурувчилар, механиклар, химиклар ва электрикларни тайёрламоқда. Шу ўқув йилида 150га яқин мутахассис тайёрланди.

Совет педагоглари назарий курс ва машғулотлар ўтказишгина қолмай, Тунис студентлари билан амалий иш ҳам олиб бормоқдалар, тадқиқот ишларини уюштиришда уларга ёрдам бермоқдалар.

Тунис раҳбарлари ҳар иккала мамлакатнинг маориф ва кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлигига юксак баҳо бермоқдалар. Бу ҳамкорлик яхши истиқболларга эгадир. Жумладан, икки томонлама тузилган битимларга мувофиқ, Совет Иттифоқи институтда гидротехника факультетини вужудга келтиришда ёрдам беради. Бу факультет Тунисниг турли районларида барпо этилаётган гидротехника объектларида ишловчи мутахассислар тайёрлайди.

КИПР ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ХЕЛЬСИНКИ, (ТАСС). Кипр билан халқаро бирдамлик комитети жаҳондаги барча демократик ва тинчликсевар кучларга, барча тараққийпарвар миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда ҳаракатларга мурожаат қилиб, уларни шу йил 15 июлдан бошлаб Кипр билан бирдамлик ҳафтасини ўтказишга даъват этганлигини маълум қилди. Комитетнинг бу ерда тарқатилган баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: ороллдаги вазият ғоят мураккаблигича қолмоқда. Империалистик доираларнинг Кипр можаросини бартараф қилиш йўлини Кипр халқига мажбуран қабул қилдириш мақсадида олиб бораётган ишлари эътиборни ўзига жалб этади. Ана шу доираларнинг тутган йўли Кипр халқининг орзу-тилакларига хилоф бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кипр ҳақидаги қарорларига зиддир.

Кипр билан бирдамлик ҳафтаси, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, жаҳондаги кенг жамоатчиликнинг Кипр халқи ўз мамлакатининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлиги учун, блокларга кўшилмаслик сиёсатини ўтказиш учун олиб бораётган ҳаққоний кураши билан бирдам эканлигини намойиш қилиши керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳимоясида Кипр масаласи юзасидан халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаш йўлида оммавий кампанияни ҳам уюштириш зарур. Чунки шундай конференциягина Кипр Республикасига самарали халқаро гарантиялар бера олади. Биз, деб уқтириб ўтилади баёнотда, Кипр халқининг курашини қўллаб-қувватлаш билан бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилинишига ёрдам берамиз.



ДУСТЛИК ТРАССАСИДА. Бу ерда ГДР бунёдкорлари меҳнат қилишмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

АЛБАНИЯ РАҲБАРЛИГИ МАОЧИЛАРНИНГ «УЧ ДУНЁ» НАЗАРИЯСИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг босма органи «Зери и популлит» газетаси яқинда маочиларнинг «уч дунё» назарияси «ҳозирги дунёга синфий нуқтаи назардан эмас, оппортунистларча ёндашиб, давримиздаги асосий зиддиятларни бузиб талқин этилганлиги» учун бу назарияни кескин танқид қилди. Шу йил июль ойининг бошларида босиб чиқарилган мақолада Хитойнинг «уч дунё» хусусидаги назарияси таҳлил этилади. Газета Пекин томонидан кенг кўламда тарғиб этилган бу назария революцион жараёнга халақит бериш, капитализм ва унинг гегемониясини ҳимоя қилиш мақсадини кўзда тутади, деган хулосани чиқаради.

«Уч дунё» назарияси, деб ёзади газета, пролетариат билан буржуазия ўртасида мавжуд бўлган асосий зиддият йўқ, деб даъво қилади. «Учинчи дунё»да маълум халқлар билан реакцион ва империализмга тарафдор бўлган кучлар ўртасидаги зиддиятлар инкор қилинади.

Газета «учинчи дунё»ни империализмга қарши курашнинг асосий кучи» қилиб кўрсатиш йўлидаги уринишларни оппортунистларга хос қарашларни тарғиб этиш, деб ҳисоблайди. Бу назарияга кўра, деб таъкидлайди «Зери и популлит» газетаси «учинчи дунё» мамлакатларининг халқлари масалан, Чилида Пиночет қўл остидаги қонхўр фашист диктатурага қарши ва бошқа реакцион режимларга қарши кураш олиб бормай, улар билан бирлашуви ҳамда уларни қўллаб-қувватлаши керак.

Газета маочиларнинг «Иккинчи дунё» ҳақидаги таърифига ҳам шундай баҳо беради. Мақолада бундай дейилган: шу назариянинг авторлари «иккинчи дунё» мамлакатларини «буюк давлатлар»га қарши курашда «учинчи дунё»нинг иттифоқчилари қилиб кўрсатиб, ўзларининг революцияга қарши қаратилган позицияларини яққол намойиш қиладилар. Улар Европа, Япония, Канада пролетариатини ва бошқа мамлакатларнинг пролетариатини социал тотувликка, капиталистлар билан ҳамкорлик қилишга ва бинобарин, революциядан воз кечишга даъват этадилар.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: ана шу сохта антиимпериалистик назария империалистик давлатларнинг янги мустамлакачилик ва эксплуататорлик сиёсатини оқлайди ва қўллаб-қувватлайди, Америка ҳарбий кучларининг ГФРда, Бельгия, Италия, Японияда ва бошқа мамлакатларда жойлаштирилганлигини оқлайди ҳамда буни мудофаа мақсадларини кўзда тутган омил деб атайди. Бундай қарашлар халқлар озодлиги учун жуда хатарлидир.

«Зери и популлит» газетаси инсониятни «уч дунё»га бўлиш, давримиздаги асосий зиддиятларни назар-писанд қилмаслик, пролетариатни монополистик буржуазия билан, мазлум халқларни эса «иккинчи дунё»даги империалистик давлатлар билан бирлашишга даъват этиш — жаҳон пролетариатининг ҳам, социалистик мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларига зиддир, деган хулосани чиқаради.

Албания матбуотида босилган материалларга қараганда, Тирана раҳбарлиги илгари ҳам маочиларнинг жаҳонни қисмларга бўлиб юбориш ҳақидаги сохта илмий доктринасига қўшилмаганлиги аён бўлиб қолади. Бу доктрина АҚШ билан Совет Иттифоқини биринчи дунё деб, тараққий этган капиталистик давлатларни иккинчи дунё деб, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларни учинчи дунё деб ҳисоблайди. Бу ҳол, жумладан, Албания Меҳнат партиясининг 1976 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган VII съездида намоён бўлди. Съездга тақдим этилган ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, жаҳонни шу тариқа қисмларга бўлиб юбориш турли сиёсий кучларнинг «синфий характерини бузиб талқин қилади» ва «идеология соҳасида пароканд ликни вужудга келтириш, тараққийпарвар кучларнинг курашига путур етказиш»ни кўзда тутади.

Ҳозирги революцион ҳаракат ва миллий озодлик ҳаракатининг бутун бориши маочиларнинг «уч дунё» назариясини рад этди ва тамомила чиппакка чиқариб қўйди. Пекининг халқаро майдондаги сиёсий ғалаларанглари маочиларнинг назарий қарашларинигина эмас, уларнинг амалий сиёсати революцияга қарши қаратилганлигини ҳам миллий ва социал озодлик учун курашаётган халқлар назарида фош қилиб ташлади. Маочиларнинг жаҳондаги ҳозирги аҳволга «уч дунё» назарияси билан баҳо беришлари тамомила асоссиз эканлиги кўп вақтдан буён Пекинни қўллаб-қувватлаб келган кишиларни ҳам бу назариядан юз ўгиришга мажбур этаётганлиги бежиз эмас.

Мақолада маочиларнинг «уч дунё» назарияси танқид қилиниши билан бирга Албания раҳбарлигининг ҳозирги халқаро вазиятга доир алоҳида фикрлари баён этилган ва Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг сиёсати хусусида Албания пропагандаси учун одат бўлиб қолган уйдирмалар тўқилган.

(ТАСС, 15 июль).

Телетайп лентасидан

◆ СОФИЯ. Болгария революцион ҳаракат музейи тайёрлаган «Улуғ Октябрь ва Болгария» виставнаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган. Виставкага қўйилган фотосуратлар ва ҳужжатли материаллар Улуғ Октябрнинг Болгария Компартияси фаолиятига, мамлакатдаги революцион ҳаракатга ўтказган таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

Музейнинг экспозицияси Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган. Виставкага қўйилган фотосуратлар ва ҳужжатли материаллар Улуғ Октябрнинг Болгария Компартияси фаолиятига, мамлакатдаги революцион ҳаракатга ўтказган таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

Музейнинг экспозицияси Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда намойиш қилинади.

◆ БРЮССЕЛЬ. Ҳозирги вақтда Бельгияда 25 мингга яқин ишсиз бор. Булардан 4,5 минг киши олий маълумот олганлиги тўғрисидаги дипломга эгадир. Иш билан таъминлаш масалалари билан шуғулланувчи миллий бошқарманинг хабар беришича, қўлида дипломи бўлган ишсиз мутахассисларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат.

◆ АФИНА. «Кипр халқи билан бирдамлик Умумгреция комитети»нинг раиси Ставрос Канеллопулос бундай деди: Америка империализми яқин Шарқда ўз таъсирни сақлаб қолиш учун Кипрни НАТОнинг қалъасига айлантириш ниятидадир. Биз, деб таъкидлади у, Урта денгизнинг уруш ўчоғи эмас, балки тинчлик зонаси бўлиб қолишини талаб этамиз. Шу сабабли биз СССРнинг БМТ ҳимоясида халқаро конференция чақириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Бу конференция Кипр проблемасини ҳал этиши керак.

◆ БУЭНОС-АЙРЕС. Чилида нефть маҳсулотлари ва газ нархи яна ўрта ҳисобда 10 процент оширилганлиги эълон қилинди. Шаҳар транспортида қатнаш ҳақи 10-12 процент кўтарилди, телефон тарифлари ҳам оширилди.

(ТАСС).

ИККИ ОКЕАН ОША

ВАТАНГАДОЛАР

ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Қуёшни қувиб, қумсаб боряпмиз. Калгари Канаданинг энг қуёшли шаҳри. Эрта баҳор бўлишига қарамасдан, ҳарорат +26. Калгари табиати, иқлими, офтоби билан Узбекистонни ёдга солади. Лекин фарқи шундаки, Узбекистон ер шарининг устида, Калгари эса гўё остидадир. Узбекистонимизда тонг отаётган чоқда, Калгарида ҳорғин қуёш уфққа аллақачон ботган бўлади. Калгарида туриб, Тошкент куранти соатларини тинглагандек бўламиз. Холбуки, бу икки диёр ўртасидаги фарқ 13 соатдир. Калгари шотландияликлар қўйган ном бўлиб, унга 1870 йилларда асос солинган. Бу — нефть, газ конлари, адирлер, сайҳонликлардан иборат бўлган саноат шаҳридир.

Калгари дарёси соҳиллари чўмилишга келган болакайлар, катталар билан гавжум. Сотув учун келтирилган енгил машиналар кўчада, очиқ майдонда қатор тизилиб турибди. Шаҳарда немислар, итальянлар, украиннлар, ҳиндистон, покистонликлар кўпроқ. Улар ўтроқ халқ ҳисобланадилар. Британия оролларидан иш излаб келиб қолганлар ҳам анчагина. Асосий ерли халқи индуслардир. Лекин индуслар шаҳардан жуда узоқдаги камбағал қишлоқларда қашшоқ ҳаёт кечирадилар. Уларнинг ерларидан нефть, газ олиб фойдаланаётган инглизлар, американликлар эса индусларга фақат процент —аренда тўлайдилар, холос. Индуслар шаҳарликларнинг ҳаётига аралашмайдилар. Улар ўзларининг турфа-ибтидоий ҳаётини афзалроқ кўрадилар.

Калгари университети ёшлари билан, ўқитувчи ва профессорлар состави билан учрашув кечамиз жуда қизиқарли ўтди. Калгари университетининг президенти Когон совет делегацияси вакилларини табриклади, меҳмондўстлик даврасида савол-жавоблар бошланди.

Суҳбатдошимиздан бири — Тоня билан яқиндан танишдик. Унинг ота-онаси Австрияда яшайди. Бувиси россиялик. Тоня рус тилини яхши билади. У рус маданияти, Ўрта Осиё маданияти, санъати билан жуда қизиқади. Пётр — Чехословакиядан келган. 1967 йилдан буён Канадада бир ўзи яшайди. Ўзи ёш йигит, лекин эркин дунё «нашъу-намолар»и уни кекса-қарига айлантириб қўйган. Пётр физика-астрономия факультетида ўқийди. Суҳбат орасида унинг маънавий олами билан қизиққанимизда у на физикага ва на астрономияга қизиқмаслиги маълум бўлди. Пётрни бу ёқларга етаклаб келган нарса бу — «эркинлик»дир. Эркинлик — виждонсизлик эркинлиги, бебошлик эркинлиги, худбинлик эркинлиги, нашавандлик, шахсиятпарастлик эркинлиги. Пётр онасини зорзор йиғлатиб, отасини бадном қилиб, 2 синглисини бўзлатиб, бу ерда номига «таълим оладди». Аслида, ўзининг бир хоналик уйида саёқ қизлар билан маишат қилади. Қимор ўйинига боради. Стипендия олмайди. Бировларнинг идиштовоғини ювиб, пул жамғаради, тирикчилиги ҳам ўлдажўлда.

Фақат Пётрнинг эмас, юзлаб ёш йигитларнинг қисмати бу ерда шундай. Пётр ҳам ёш бўлишига қарамай, кўп кўчаларга кириб чиққан, яшаш тарзининг серҳашам, лекин бемаъно оҳангларини тинглайвериб қулоқлари қоматга келганидан, тутунини тутунга улаб чекадиган йигит.

— Пётр, ким бўлишни истайсиз?

— Миллионер бўлишни.

— Кўзингиз етадими?

— Йўқ, лекин орзуим шу.

— Дарсдан сўнг нима билан шуғулланасиз?

— Қизлар билан.

Учрашувимизга аллақачондай Илья исмли киши ҳам ташриф буюрди. Уни ҳеч ким таклиф қилгани йўқ. Унинг ўзи СССР делегациясининг хабарини эшитиб етиб келган. Иля анча ёшларга бориб қолган одам. СССРда оиласи, қизлари бор экан. Ёлғизлик, мусофирлик, ҳўрлик эзиб юборгани унинг хира тортиб кетган кўзларидан аён. У титрайди, ҳаяжонланади. Совқотган одамдек оташга ташналигини, она туппроқ ўчоғига ташналигини ҳис этдик.

— Бу мамлакатда меҳр ҳам йўқ, мурувват ҳам йўқ, — деди у титраб. — Ҳамма ўзи учун яшайди. Биров бировни изламайди, йўқламайди, қўмсамайди... Унинг юрагидаги жунбуш, лабларидаги титроқ овозидан англаганимиз шу эди:

— Холинг шу бўлдими ватангадо!... Кекса ватангадо ёшларнинг учрашув кечасига таклифсиз келди ва тонг отгунча кетолмай шу ерда қолди. У ўзининг мужмал, нотавон тақдиридан ачиниб кўзига ёш олди.

ТИНЧ ОКЕАН СОҲИЛЛАРИДА

Тинч океан соҳилларида жойлашган Ванкувер шаҳри. Канаданинг ғарбида жойлашган бу шаҳарни табиат ўз тантилиги билан алқаган. Бир ёғи қорли тоғлар, тоғлар этаги океанга келиб ястанади. Тоғлар билан Ванкувер шаҳри бошланадиган соҳилни олис-олис сарҳадлардан океанга сув олиб келаётган Ванкувер дарёси ажратиб туради. Жамшид, сарв, япон гилоси, асал ғули, лолалар чаппар уриб гуллаб турибди. Баҳор қулф урмоқда эди. Океан соҳилларида олисяқинлардан келиб, портда тўхтаётган, манзилларга ошиқаётган пароходлар кўзга ташланади. Сокин Тинч океани ва Ванкувер дарёси соҳилларида XX асрнинг мўъжизакор иншоотларига қарама-қарши ярим ибтидоий қишлоқлар ҳам кўзга ташланади. Бу қишлоқларда индуслар яшаб, тирикчилик ўтказади. Анатолий исмли чолни учратдик. У 1941 йилларда бу ёқларга келиб қолган. Анатолий ота оқшомгача орқамиздан юрди ва меҳмонхонамизгача эргашиб келди. У Ванкуверда, умуман, капитализм дунёсида эҳтиёт бўлиб қадам босиш кераклигини бизга ўқтирар, ҳушёрликка чақирарди. Биз гоҳида тез-тез юриб кетардик, кари одамнинг бизга етиб олиш учун терга ботиб ҳаллослаганини кўриб раҳмимиз келарди. У тез-тез гапирар, бу дунёнинг одамларидан гапирер. Бизнинг ёзувчилар группаси эканлигимизни билгач, буюк рус ёзувчиларининг номини тилга олар, афтидан ўз киндик қони тўкилган тупроқ ҳақида ҳикоя қилишимизни жуда-жуда истарди. Юрагида аллақандай чўғ ялпиланар, бу соғинч чўғи эди англашимизча.

Кекса муҳожир «Интернационал» деб аталган меҳмонхона ёнида тез-тез пайдо бўлар, бизни ғойибона бўлса ҳам кузатар, соғинч оташига чора изларди...

Ванкувердаги бир бой уйидаги қандилнинг баҳоси 25000 доллар деб таъриф этишди. Ўша уйнинг ёнида автобусимиз тўхтаб ўтди. Бу уй одам яшайдиган уйга эмас, кўпроқ музейга ўхшарди. Ҳовли рўялари ёғ суртиб ялтиратиб қўйилгандек топ-тоза, на одамнинг шарпаси бор, на болакайларнинг шўх кулгулари эшитилади. Ҳаммаёқ декорациядай ҳўмрайган, жонсиз, файзсиз... 25000 долларли қандилни уйига осган бойнинг ким экани билан қизиқдик. У қиморбоз экан. У куни кеча қимор ўйнаб, шу уйни ютиб олган экан. Омадни қаранг. Эрта-индин у балки қиморда касодга учрар. У ҳолда уй ҳам, қандил ҳам қўлдан кетади, албатта. Бу «шоҳона ҳаёт» ҳудди сув бетидаги кўпикка ўхшайди. Ҳа, кўпикка.

Биз индусларнинг ғилдираклар устига ўрнатилган уйларини ҳам кўрдик. Соҳиллар емирилавергач, ҳаёт ҳавфли бўлгач, уларнинг ҳаёти, ҳаётигина эмас, кундалик умр кечириш тарзи ҳам ғилдиракларга ўрнатилган, омонат.

Кицилана пляжи. Бу номларнинг бари индусча бўлиб, эндиликда фақат номигина индусчасига сақланиб қолган. Аслида, уларга америкаликлар эгалик қилади. Океан соҳилларидаги ҳадсиз-ҳисобсиз ўрмонлар, бебаҳо ёғочлар ҳам АҚШга кетади.

Ванкувер Канаданинг саноати тараққий этган, йирик шаҳарларидан бири. Уни Канада мамлакатининг кўрки дейиш мумкин. Ванкувер кўчалари, сайргоҳларида юриб, ҳаёлимиздан кўп нарсалар ўтди.

«Висол уйлари». «Учрашувлар манзилгоҳи» нақадар лутф, назокат пардасига ўралган бу сўзлар. Аслида-чи? Аслида, инсонни инсонийликдан, ҳатто энг сўнгги шарм-ҳаёсидан ҳам маҳрум этадиган манзилгоҳ, томоша заллари бўлар. Дастлаб бизни Канаданинг коронғироқ, қолоқроқ вилоятларига олиб бордилар. Қирлардаги буғдойларни, ариқлардаги сувларни, водийлардаги полиз экинларини, ишлаб чиқариш жараёнларини кўрдик. Ишчи инсонларнинг оғир меҳнатини, ишсизларнинг эса ташвишли ҳаётини кўрдик. Аста-секин бизни Ғарбга бошладилар. Ғарбча ҳаётнинг бепарда, саҳналардаги бешарм ленталарига томошабин бўлдик.

Ғарб аёли... У фақат аёл бўлиб яратилган. У инсонбузарлар қўлидаги қўғирчоқ. У рекламалар учун қурбон. У стрептиз учун асира. У секс фильмларида ўз санъатини эмас, инсоний ҳуқуқларини, аёллик латофатини ҳам қурбон қилади. Ана шу қурбон қилганлари эвазига доллар олади. Шарм, ҳаё, унинг учун бегона. Оналик туйғуси унинг учун бегона. У алла айтиш бахтидан маҳрум. Одамлардек яшаш, инсонлар юзига бениқоб қараш бахтидан маҳрум. Аёллик бахти, фақат саҳнада, доллар гирдобида, бемаъни олқишлар, томоша учун тўланган 3,5 долларлик билетлардагина. Аёллик — қаҳвахоналарнинг ним коронғу гўшалари, ачимтиқ пиволарида, холос.

Аста-секин Ғарб ҳаётининг океан ости маҳлуқлари, йиртқичлар, саҳнада пайдо бўла бошладилар. Акулалар, китларни биз фақат океан сатҳида, океан тубида эмас, америкача ҳаёт замирида ҳам кўришга муваффақ бўлдик. Мана, кичик бир мисол. Улар «бизда миллий масала аллакачон ҳал бўлган масала, умуман, бизда миллат тушунчаси йўқ, бизда интернационализм ғояси тантана қилган, бизда демократия асосий масала, ҳал қилувчи куч» дея жар соладилар. Аслида-чи? Аслида ҳам шундайми? Университет студентлари билан учрашувимиз бўлиб ўтди. Учрашувга ҳамма миллат студентлари таклиф қилинмади, албатта. Учрашувга истак билдирган келган индуслар эса таъқиб остига олиндилар, таржимонлар улардан бизнинг истак ва ҳоҳишларимизни ёширидилар, уларнинг истак ва юрак сўзларини эса бизларга етказмасликка, чалғитишга интилдилар. Учрашувга келган индус қизи Дебби билан таъқиб-тазйиқлар остида сўзлашди. Мана, Дебби нималарни ҳикоя қилди бизга:

— Биз СССР халқларига хайрихоҳмиз. Улар билан ҳамкорлик қилишни истаймиз. Биз СССР ҳақида жуда кўп яхши гапларни эшиттанмиз. Энг муҳими, инсонпарвар юрт деб эшиттанмиз. Саммий саломларимизни халқингизга етказинг. Дебби гапириб туриб, кўзларига ёш олди. Гид уни пинҳона равишда имо билан гапирмасликка ундади, Дебби жим бўлмади, гид унинг оёғини босди. «Жим бўл» ишорасини қилди яна. Дебби ўрнидан туриб кетди, бизнинг пинжимизга кирди. У шу тобда аллақандай қурашчан, жасур қизга айланган, афтидан, унинг учун ўлим ҳам кўркинчли эмасди. У яна дадилроқ, оташлироқ гапира бошлади. Отам, ёшгина ўзини ўзи ўлдирди. Ўлаётиб у менга васият қилди: — Қабиланг, миллатинг учун кураш. Курашишга сўз бер, — деди у. Мен отамга сўз бердим. Халқим учун курашяпман. Индуслар тобора қирилиб бормоқда. Ўзини-ўзи ўлдириш, осиб ўлдириш — ҳақсизликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли бўлиб қолди. Индусларнинг энг узоқ умр кўраётгани 37 ёшга етмоқда, холос. Касалликдан қирилиб битмоқдамиз. Океан, дарё бизнинг тирикчилик манбаимиз. Океан, дарёларга оқизилаётган химикатлар, заҳарли чиқиндилар балосидан касалликларга учрамоқдамиз. Ўлим уч баравар кўпайди. Ялон олимлари бунинг олдини олиш кераклиги ҳақида ҳукуматга норозилик билдирдилар. Лекин Канада ҳукумати олимларнинг талабини эътиборсиз қолдирмоқда. Индусларда туғилиш йўқ даражада. Оналаримиз биринчи фарзандини кўраётган чоғидаёқ «инсонпарвар» врачлар уларни қайта фарзанд кўриш бахтидан маҳрум қилиб қўймоқдалар. Ахир, бу жаллодлик эмасми?! Бу ерлар, бу сўлим соҳиллар, бу нефть конлари, ўрмон бойликлари бизники! Лекин халқимизнинг бойлиги капиталистлар қўлида. Миллатим эса қирилиб бормоқда. Ёрдам беринглар!..

Индуслар қадимий маданиятга, ажойиб анъаналарга бой халқ. Мана, индус маданияти музейи. Афсуски, бу халқнинг бутун ноёб маданий ёдгорликлари, ёғочга ўймакорлик билан ишланган санъат асарлари фақат музейлардагина яшамоқда. Индусларнинг бундан 8000 йиллар аввалги тарихига оид қазилма ёдгорликлари, уларнинг ўз қўли билан ишланган буюмлар, кит овида ишлатиладиган тош, бронза асбоблари сақланади. Индуслар ижро этган оммавий кўшиқлар ленталарга ёзиб олинган. Уларнинг юзга яқин диалекти намуналари сақланади. Ҳозирги кунда бу диалектлар тобора камайиб, йўқолиб, битиб бормоқда.

1877 йилда оқтанлилар индусларнинг ерларидан фойдаланиб, уларга аренда тўлаб туриш учун махсус битим — шартномага қўл қўйганлар. Эндиликда эса, бу шартнома ҳам ўз кучини йўқотиб бормоқда. Индусларни чегаралаш, уларни ўз қишлоқларидан четга чиқармаслик, зимдан таъқиб қилиш, заҳарлаш, ўлдириш, наслини камайтириш йўли билан нобуд қилиш, жонидан тўйдириш каби усулларни қўлламоқдалар. Лекин олимлар индусларнинг лексигонини тинмай ўрганмоқдалар. Бу халқни сақлаб қолишга уриниб, уларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқдалар. Лекин оқ танли жаноблар ҳукумат тепасида бўлгач, бу ҳаракатларнинг акс садоси бўлмаяпти.

Дебби, қизгина, сенга ўхшаган не-не индус гўзалларининг кўзидаги ёш ҳали-бери қуримикин, йўқмикин? Бу кўз ёшлар ораларингиздек океан каърига сингиб кетармикин? Лекин кўз ёшлари тўхтайдиган вақтлар ҳам келар. Биз сенга хайрихоҳмиз, Дебби, синглим. Биз Сизларга хайрихоҳмиз!

Эътибор ОХУНОВА.
Канада — Узбекистон.

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

ТОРФ ДЕНГИЗНИ ТОЗАЛАЙДИ

Торф — денгиз юзига тўнилган нефтга қарши курашда самарали воситадир. Эстониялик мутахассислар сув юзидаги нефтни йўқотиш юзасидан Болтиқ денгизида ўтказилган намунавий машқларда шуни исбот қилдилар.

Суви қочирилган торф ушоғи махсус қурилма ёрдами билан катта сув майдонига сочилади ва ўз оғирлигидан уч баравар кўп нефтни шимиб олади, шунга қарамай чўкиб кетмайди. Нефтга тўйинган торфни йиғиштириб олиб, ёқиб юбориш қийин иш эмас.

«Тоотси» торф корхонаси денгизни нефтдан тозалаш учун торф ушоқларини тайёрлай бошлади.

А. КААЗИК,

ТАЛЛИН. ТАСС мухбири.

ЦЕМЕНТДАН МАҲКАМ

Кимёвий химиклар ишлаб чиққан махсус модда нефть қудуқлари девори маҳкамлигини анча оширади. Чуқур пармалашда мутахассислар кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Ер пўстлоғининг қаърига тушиб борган сайин температура, босим ошиб боради, қовушоқ жинсли қатламлар ҳам учрайди. Қудуқ деворини маҳкамлашда ишлатилувчи одатдаги цемент аралашма бундай шароитларда қўл келавермайди.

Алоҳида мураккаб геологик шароитларда қудуқ қазишда арзон ва иссиқлик билан шўрга бардош берувчи мана шу аралашма ишлатилади. Юксак босим ва температура бундай моддаларни янада метин қилиб юборади. Ставрополь ўлкасида ва Мангқишлоқ ярим оролида ўтказилган синовлар янги материаллар сув сингдирмаслигини ва емирувчи муҳитларга ҳам бардош бера олишини кўрсатди. Уларни қўллаш каттагина иқтисодий самара беради. Ҳозир янгилик Тюмень областида жорий этилмоқда.

А. БАУЭР,

КИЕВ. ТАСС мухбири.

КАСПИЙ БЎЙИДАГИ ХАЗИНАЛАР

Қозоғистонлик геологлар баландлиги Кавказ тоғича келадиган улкан туз гумбазини топдилар. Бу гумбаз Каспий денгизи шимолий-шарқий соҳили яқинида 5600 метр чуқурликкача боради. Бу ерда нефть, табиий газ, бошқа фойдали қазилмалар ҳам изланмоқда. Бу зонада чуқурлиги 5-6 километрга борадиган бир неча қудуқ пармаланди.

В. ГАНЖА,

АЛМАОТА. ТАСС мухбири.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ЭКСПРЕССЛАРИ

14 июль куни «Темир йўл транспорти-77» халқаро виставкасида СССР ташкилотлари ва корхоналари куни бўлиб ўтди.

Виставкада совет бўлими энг катта бўлимлардан биридир. Бундай бўлиши тасодифий эмас. СССР ҳақиқатда дунёнинг энг катта темир йўл мамлакатидир. Совет Иттифоқидаги пўлат магистралларнинг узунлиги 138 минг километрга боради ёки ер юзидаги ҳамма темир йўлларнинг 11 процентини ташкил қилади. Дунё бўйича темир йўлда ташиладиган ҳамма юкларнинг ярмидан ошиғи мана шу йўллар орқали ташилади. Советлар мамлакатининг энг прогрессив локомотив-электр локомотивдан фойдаланишда эришган ютуқлари катта. СССР электрлаш суръатлари ва электрлаштирилган линияларнинг узунлиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Совет экспозициясининг 12 бўлимидаги экспонатлар ўн минг квадрат метр майдонга жойлашган. Виставкада эртанги куннга ҳам назар ташлаш мумкин. Пўлат йўлда турган Р-200 электропоезди Москва — Ленинград линиясида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, соатига 200 километргача тезликда юра олади.

Совет экспозициясида қўйилган ва билет-касса операцияларини автоматлаштирадиган «Экспресс» системаси ҳам диққатга сазовордир.

Шчербинка, Москва области.

(ТАСС мухбири).

ПАЗАНДАЛАР УСТОЗИ



У одатдагидек ишдан шод қайтди. Кетидан почтальон кириб келди. Бир даста хат ва телеграммаларни Ориф акага узата туриб, уни саммий табриклади.

— Орден муборак!

— Раҳмат, — дея мулойим жилмайди у хат ва телеграммаларга кўз югуртира туриб:

«Салом, ҳурматли Ориф ака! Сизнинг Ленин ордени билан мукофотланганлигингизни газетада ўқиб, беҳад ҳурсанд бўлдим. Орден муборак, қадрли Ориф ака. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ишларингизда муваффақият тилайман.

Ҳурмат билан, шогирдингиз Солижон Жиянов, Москва, «Ўзбекистон» ресторани.

У бахт оғушида енгил нафас олар, ўзида йўқ ҳурсанд эди. Хаёл уни узоқларга бошлади. Биринчи бор қўлига капгир тутқазган устозини, ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеаларни, қувончли ва машаққатли дамларни эслади.

...Тошкентнинг Қовунчи қишлоғидаги гузар чойхонасида Турсунали ака Ориф билан чой ичиб ўтиришарди. Ошпаз Қудрат ака уларга гап ташлади.

— Турсунали, ўғлингиз ёнингизга кириб қолибди-ку, ҳадемай қўлингиздан ишингизни олади, омадини берсин.

— Ҳа, оғиримни енгил қилянти, кўл-оёғи чаққон, бахтли бўлсин.

— Ўғлингизни менга шогирдликка бермайсизми? — деди Қудрат ака.

Ана шу кундан бошлаб мўйлаблари эндигина сабза ура бошлаган йигитчага пазандалик оламининг дарвозаси очила бошлади. У кичкинагина ошхонада ошпазга шогирд тушди.

Ҳаёт сўқмоқлари Ориф акани ҳам кўплар қатори Улуғ Ватан уруши йўлларига олиб келди. У Орлов области далаларида она-Ватаннинг муқаддас тупроғи учун, халқ бахт-саодати учун жангга кирди. Бир куни уни батальон штабига чақиришди.

— Ошпазликдан хабарингиз бор экан, сизни батальон ошпази қилиб тайинлайман.

— Ўртоқ майор, мен душман билан юзма-юз олишишни истайман.

— Жангчиларга овқат тайёрлаш ҳам жанговар иш.

Шу тарика у солдат гимнастёркаси устидан оқ халат кийиб, автоматини капгирга алмаштирди. Ўқ ёмғири остида, снаряд ва бомбаларнинг портлашидан ер-кўк ларзага келиб турганда ғилдиракли қозонларда овқат тайёрлади.

Урушда нималар бўлмайди. Баъзан олдинги линияга озиқ-овқат, масаллиғлар вақтида етказиб берилмайди. Шундай пайтларда Орифжон уч-тўрт кишини олиб, далада қолиб кетган картошка ва карамлардан келтириб, овқат тайёрлар, жангчиларни тўйдиради. Лекин унинг кўнгли она-Ватан, совет халқи тақдири ҳал бўлаётган жанг майдонларида эди. У қулай пайт келганда батальон командирига ўз қалбидаги дардини изҳор этди.

— Майли, шу постда хизмат қила қол, — рози бўлди комбат.

1942 йил кузи. Муҳим тепалик учун шиддатли жанглар давом этмоқда. Солдатларимиз номсиз тепаликни қўлга киритдилар. Тепалик ортида эса немислар ҳамон дамба-дам ҳужум қилиб турибдилар. Улар ғоҳ чекиниб, ғоҳ олға силжиб жангчиларимизнинг бир дақиқа нафас ростлашларига имкон бермасдилар. Бу омонсиз жанг тўққиз кеча-кундуз давом этди. Ана шу жангда Ориф ака тиззасидан ярадор бўлди. У госпиталда даволангач, яна жанговар сафга қайтди.

Смоленск. Шаҳар атрофидаги ўрмонлар оппоқ қорга бурканган. Изғирин шамол кўз очтирмайди. Онда-сонда отилиб турган ўқлар сокинликни бузиб турарди. Тонгга яқин учувчиларимиз душман устига ҳаводан ҳужум бошладилар.

— Она-Ватан учун, партия учун олға!

— Ура-аа!

Жангчиларимиз олға ташландилар. Смоленск учун шиддатли жанглар бошланди. Совет солдатлари душманни шаҳардан ташқарига улоқтириб ташладилар. Улар ёвни изма-из қувишда давом этардилар. Дайди ўқ йўлкада елиб бораётган жангчига тегди. У шу ернинг ўзида қулади. Ярадор жангчининг жароҳатидан тинимсиз қон оқар, ҳолсизликдан ўзини ўнглаб ололмасди. Мана, ҳамширалар етиб келишди. Унинг ярасини боғлаб, машинага жойлаштиришди...

Ориф ака Москва яқинидаги Галицино темир йўл станцияси госпиталида ҳушига келди. Меҳрибон шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ёнидан жилмадилар. Саккиз ой мобайнида у тўрт марта операция қилинди. Жангчи омон қолди. Лекин у энди жанг қилишга қодир эмасди.

— Бизнинг госпиталда ошпазлик қила қолинг, — деб илтимос қилди бош врач капитан Забудькина.

— Бажонидил,— деди Ориф ака.

У ўз халоскорлари учун кўлидан келган хизматини аямади. Ҳар куни 1200 дан зиёд беморга овқат тайёрлайди. У ҳар куни шунча беморнинг миннатдорчилигини эшитар, олқишига сазовор бўларди. Ҳар гал овқат устида уни хўрандалар залга таклиф қилишар, миннатдорчилик билдиришарди. У ғалаба қувончлари нашъасини шу ерда сурди.

Урушдан кейинги йилларда Ориф ака моҳир пазанда сифатида кўпчиликка танилди. У қатор умумий овқатланиш корхоналарининг ишга туширилишида фаол қатнашди. Бир неча йилдан буён моҳир пазанда «Тошкент» меҳмонхонаси ресторанида ишлаб чиқариш мудири бўлиб хизмат қилмоқда. Агар ресторанинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақласангиз, хўрандалар ёзиб қолдирган кўплаб миннатдорчилик сўзларини ўқийсиз:

Биз «Тошкент» меҳмонхонасида учинчи марта меҳмон бўлдик. Бу ерда тайёрланган ўзбек миллий таомларини тановул қилиб, хурсанд бўлдик. Франциядаги дўстларимизга бу ҳақда ҳикоя қиламиз. Келгусида яна саёҳатга шу ерга келиш насиб этса, албатта, «Тошкент» меҳмонхонасида яшашни орзу қиламиз.

Бир группа французлик сайёҳлар.

Дастхатлар. Уларни яна давом эттириш мумкин. Улар турли тилларда ёзилган .Аммо барчасининг мазмуни битта. Улар қўли гул пазандаларга миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан суғорилган. Бундай қалб сўзлари, албатта, ўзбек меҳмондўстлиги, таомининг шуҳратини ошираётган Ориф ака ва унинг шогирдлари шаънига айтилган.

Партия ва ҳукуматимиз Ориф Турсуновнинг халқ олдидаги хизматларини юксак тақдирлади. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Совет савдоси аълочиси», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари, «Жасурлиги учун» медаллари безаб турибди.

Моҳир пазанда, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Ориф Турсуновнинг кўксини яқинда яна битта олий нишон — Ленин ордени безади.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
Ю. ЗИЁДОВ.

Суратда: Ориф Турсунов шогирдлари билан.

А. Тўраев фотоси.

„БЕМОР" ВАГОНЛАР

Айтинг-айтинг, трамвай вагонлари «бемор» бўлмасинда! «Бемор» бўлса борми, юз-юзлаб йўловчиларнинг асабини бузади, жойларда прогулчилар сонини кўпайтиради. Прогулчилар кўпайдими, кўпдан-кўп ишлар бажарилмай қолади. Хуллас, катта зарар кўрилади.

Икки жойда икки тўрт бўлганидек, бу оддий ҳақиқатни Тошкент шаҳар ижроия комитети трамвай-троллейбус бошқармаси бошлиғи Ҳурматли Асқар Қодирович Ғаниев ҳам жуда яхши билади. Хўш, модомики шундай экан, нега Тошкентдек шаҳри азимда трамвай-троллейбуслар қатнови бир неча йиллардан буён яхши йўлга қўйилмай келяпти? Нима сабабдан йўлларда «касал»га чалиниб, «шифохона»сига қайтиб кетаётган трамвай-ю, троллейбуслар кети узилмаяпти? Қуруқ гап қулоққа ёқмаслиги аниқ. Фактларга мурожаат қилайлик.

Республика халқ контроли комитети аниқлаган маълумотларга кўра, 1976 йил давомида ҳар куни ўртача 24 вагон ҳамда 31 троллейбус йўлга чиқмаган. Ана шунча транспорт воситалари билан 5 миллион йўловчига хизмат кўрсатиб, 260 минг сўм даромад қилинса бўларди. Амал-тақал қилиниб йўлга чиқарилгач, «юраги оғриб» паркка қайтиб келган ҳамда турли сабабларга кўра ҳар жой ҳар жойларда «дам» олиб туриб қолган трамвай вагонлари ва троллейбусларни айтмайсизми? 1976 йил давомида 12 минг марта ана шундай воқеалар содир бўлди ва бунинг оқибатида 163 минг вагон-соат йўқотилди. Трамвай-троллейбус бошқармасидаги ўртоқлар ўтган йили йўл қўйилган бундай нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариб олишган бўлса керак, дерсиз? Кошки эди! Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 5 минг марта вақтидан олдин паркка қайтиш, йўлларда «дам олиб» туриб қолиш ҳоллари содир бўлди, бунинг учун 56 минг соат йўқотилди. Қаранг, шунча вақт мобайнида озмунча йўловчига хизмат қилиш мумкинмиди?- Шу ўринда ҳали охори тўкилмаган бир мисолни келтирайлик. 11 июль куни соат 15 дан 45 минут ўтганида 1410 ва 1373 номерли трамвай вагонлари Марказий универмаг бекатидан ётоғига қараб йўл олди. Трамвай кутиб, кўзлари тўрт бўлган йўловчилар улар билан «илиққина» хайрлашиб қолаверишди. Бир дақиқада икки вагон ана шундай паркка қараб йўл олса, бир кунда қанча бўлишини ҳар қандай одам ҳам ҳисоблаб олиши ҳеч гап эмас.

Трамвай ва троллейбуслар тўхтайдиган 770 бекатда йўловчилар манзилларига ета олмай хуноб бўлиб туришганини ўртоқ Асқар Қодирович Ғаниев ҳам бир неча бор кўрган бўлса ажаб эмас! Ахир, у бекатлар олдидан кўзларини юмиб ўтиб кетмаётгандир-ку! Кошки бекатларда ўриндиқлар, соябонлар етарли бўлса?! 770 бекатнинг 99 тасида скамейкалар, 36 тасида эса соябонлар ўрнатилган, холос.

Шу йилнинг 11 июль куни эрталаб трамвайнинг Кўкча бекатида латифаомуз воқеа содир бўлдики, буни хатга битмай иложимиз йўқ. Турли томонлардан келиб, тўпланишиб қолган йўловчилар ишхоналарига ошиқишади. Ана биринчи, на саккизинчи ва на ўн биринчи трамвайнинг қораси кўринмайди. Соат миллари тинимсиз ҳаракатланиб турибди — вақт кетяпти. Тоқатлари тоқ бўлган одамлар трамвай айланадиган темир йўл ўртасига жойлашган диспетчерлик биносига ошиқишади. Диспетчер стулида ўтирган аёлга устма-уст саволлар ёғила бошлайди:

— Трамвайнингиз қани, опахон?!

— Ҳар куни шу аҳвол, қачонгача бундай тартибсизлик давом этади?! Ҳар куни, кун ора ишдан кечикаверганимдан ишхонамдагилар Тўрақул номимни Прогул қўйишибди-я!

— Сабр қилинглар, ҳурматли йўловчи ўртоқлар...

Диспетчер аёл шундай деди-да, қўлидаги Мулла Насриддиннинг қийиқчасидек келадиган қоғозга тикилди.

— Эшитинглар, бугун биринчи маршрутда саккизта вагон қатнаши керак эди, бир вагон қатнаётган эди, боягина иккита бўлди. Агар саккиз вагон мунтазам қатнаб турганида эди, ҳар 10-11 минутда бир вагон келиб турарди. Саккиз вагон ўрнига мана шундай икки вагон қатнаган пайтларда эса ҳар 45 минутда бир вагон келади.

— Албатта, келади. Келмай қаёққа борарди. Автобус эмаски, тўйларга тентираб кетса. Ахир, трамвайимизнинг изи бор-ку. Бешқайрагочдан вокзалгача талай йўл. 18 та ўрнига 12 та юриб турибди... Ана, чопинглар, келиб қолди.

Йўловчилар трамвай тўхташ жойига югуришди. Бешқайрагоч массивидан тирбанд бўлиб келаётган вагон тўхтамасдан ғизиллаганича ўтиб кетди.

Диспетчер опа қуйиб-пишиб яна одамларни юпатишга киришди:

— Азизларим, мана шунақа гуноб бўлиб турганча, барвақтроқ, яъни бир-икки соат олдин уйдан қўзғалсаларингиз олам гулистон-ку. Пиёда юриб бўлса ҳам ишхоналарингизга етиб оласиз, гап эшитмайсиз. Пиёда юриш-кони фойда, дейишади докторлар.

Ана шу паллада 2-трамвай депоси бошлиғи вазифасини бажарувчи Владимир Фёдорович Филоненко шинамгина кабинетида ким биландир суҳбатлашиб ўтирарди. Уйидан қайси транспорт билан бу ерга келганлиги бизга қоронғи. Ҳар ҳолда, трамвайда келмаган бўлса керак. Акс ҳолда, у ҳам Тошкент шаҳрининг кўплаб бекатларида трамвай кутиб, ишга кечикаётган одамлар қаторида хуноби ошиб азиз жонини қийнаган бўларди.

2-трамвай депоси рўйхатига 135 та вагоннинг номерлари катта-катта ҳарфлар билан битилган. Биз қиқиё қилаётган кунда ана шу вагонлардан атиги 66 таси йўлга чиқарилибди. Шулар ҳам юриб турганида кошкийди! Баъзиларининг йўлда «касал»лари тутиб ёки бошқа бирор баҳона билан паркка қайтиб боришганини айтмай ҳам қўя қолайлик.

2-трамвай депосини йўловчилар «трамвайлар касалхонаси» деб атайдиган бўлишибди. Майли, шундай бўла қолсин. Лекин бу «шифохонада», «бемор» трамвай вагонларини даволайдиган чапдаст «шифокор»лар етишмаётганлигига ачинамиз. Бу ерда ўнлаб «шифоталаб» вагонлар «доктор» тополмай «бемор»ликларича ётишибди.

— Депомизга яна 50 та ишчи керак, ҳозирча тополмай турибмиз, — баҳона қилади В. Филоненко.

— Бекор гап, — унинг сўзини тасдиқламайди кекса бир ишчи. — Бу ерда ишчилар билан қўпол муомалада бўлишади. Шу боисдан улар аразлаб кетиб қолишади. Ҳатто, баъзан ишчиларга ойлик маошларини ҳам ўз вақтида беришмайди.

— Яна бир сирни айтиб қўяйлик, — қулоғимизга шивирлади бошқа ишчи. — Йўлларда трамвай қатновини назорат қилиб турадиган бир неча ходим кун бўйи мана шу ернинг ўзида ўтиради. Шу сабабли ҳам трамвайлар қатновида тартиб йўқ.

* * *

Энди шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз керакки, партия ва ҳукуматимиз Тошкент меҳнаткашларини замонавий транспортлар билан таъминлашга кун сайин оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Кейинги йилларда янгидан беш трамвай ва беш троллейбус маршрути қатнови йўлга қўйилганлиги, улар учун равон йўллар қурилганлиги бунга ёқин мисол бўла олади. Ана шундай ишлар учун 20 миллион сўмликдан зиёд капитал маблағ сарфланди. Лекин, шуларга қарамай, Тошкентда электр транспорти хизмати ҳамон шу кунларнинг талаблари даражасида эмас экан, бунга фақат трамвай-троллейбус бошқармаси ва унга қарашли корхоналардаги баъзи раҳбарларнинг ношудликлари, масъулиятсизликлари сабаб бўлаётир, деб ўйлаймиз. Бунга Тошкент шаҳар ижроия комитетидаги ҳурматли ўртоқлар нима дер эканлар?

Усмон ЮСУПОВ.

Фельетон

— Вой, бў! — деб юборди кимдир йўғон дўрилдоқ овоз билан.

— Опа, биринчи маршрутдаги вагон 45 минутда келиши керак дедингиз, бир соатдан бери йўқ-ку! — аччиқ қилди бир йўловчи.

— Мен билмасам, балки «касал» бўлиб паркка кириб кетгандир.

— Ўн биринчи трамвайчи, у ҳам касалми? — деди қотмагина аёл. — Мана шу трамвай бор бўлгурни кутакута кечаям ишдан кеч қолгандим!

— Ўн биринчи трамвайни сўраяпсизми, ҳой сингли? — аёлга тикилди диспетчер опа.

— Ҳа.

— Ҳозир айтиб бераман, — диспетчер опа бояги қоғозига яна синчиклаб тикилди. — Ўн биринчи трамвай бор... Ўн иккита ўрнига бештагина юриб турибди. У бошидан бу бошигача озмунча йўл босадими, сабр қилинг, келиб қолар.

— Сабр қилсак, саккизинчи ҳам келиб қоладими, опахон? — сўради кимдир.

ҲАР ТЎҒРИДА

МУЗ ТОҒ КЕЛТИРИЛАДИ

Саудия Арабистонида ичимлик сув азалдан танқис. Мана шунинг учун ҳам Антарктиданинг совуқ сувларида каттакон сузувчи муз тоғини топиб, уни жазирама Арабистон соҳилларигача ўн тўрт минг километр масофадан шатакка олиб келтириш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Принципиал жиҳатдан олганда Антарктида муз тоғларини олис масофага эл тиш янги бир гап эмас. Шу асрнинг бошларидаёқ, масалан, Чилининг Валпараисо порти айни шундай усул билан сув оларди. Лекин ўшанда муз тоғларининг кичик бир парчаларигина ҳайдаб келтирилган бўлса, ҳозир гап вазни 100 миллион тоннага борадиган ҳақиқий улкан муз тоғи тўғрисида бораётир. Бундай айсбергнинг узунлиги салкам икки километр, эни 300 метр ва бўйи 250 метрга бориши керак.

Инженерларнинг хом ҳисобларига кўра, айсберг Антарктидадан Бобилмандаб бўғозига қадар етиб келгунча вазнининг 20 процентчасини йўқотади. Лекин шунда ҳам у саёз бўғоздан ўтиб Қизил денгизга эсон-омон кириб олиш учун анча катталик қилади. Шунинг учун ҳам келтириладиган муз тоғини бир неча бўлакка кесиш мўлжалланади. Шу бўлаклар Саудия Арабистонининг Жидда портига келтириб турилади. Бошқа бир варианти ҳам бор. Бунга кўра айсберг Арабистоннинг жанубий соҳилларида қолдирилади ва ундан эриб тушадиган сув қувурлар орқали тегишли жойларга юборилаверади.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш Саудия Арабистони учун каттагина пулга — 100 миллион долларга тушади. Шунга қарамай Антарктидадан 80 миллиард литр зилол сув келтириш уни денгиз сувини чучуклаштириб олишга қараганда анча арзонга тушади. **[ТАСС]**

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/VII да **Сўғд элининг қоплони.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Муҳаббат ёзи; Аёл ва иблис** (катта зал). **Сиздан угина, биздан бугина** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат ёзи — «ДРУЖБА» (11, 17, 20.00). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (11.30), «ЧАЙКА» (13.30, 18.30).

Этиқ кийган мушукнинг дунё бўйлаб саёҳати — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Джен Эйр — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (14, 16, 18, 20, 21.45).

Есения — «ЧАЙКА» (11, 16.30, 20.45).

ЕЗГИ БИНОДА

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Кадкинни ҳамма билади — «ХИВА» (21, 22.30).

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

БИООРГАНИК ХИМИЯ БЎЛИМИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

органик химия ва биофизика ихтисоси бўйича (биологик муҳим бирлашмаларни тадқиқотлашнинг спектраль методлари) **катта илмий ходимлар** (2 ўрин);

табиий ва физиологик актив бирлашмалар химияси ихтисоси бўйича кичик илмий ходим.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин. Тошкент шаҳар — 47, Куйбишев кўчаси, 16-уй, телефон 33-66-64.

●

Узбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ЮРИДИКА ТЕХНИКУМИ

юридика ихтисоси бўйича КУНДУЗГИ ЎҚИШГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Урта махсус ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари газетамизнинг 19 май сонида эълон қилинган.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Западная кўчаси, 4-уй.

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Нукус шаҳрида телефон номерлари ўзгартирилди. Тўрт рақамли номерлардан олдин «2» рақамини териш зарур. Масалан: 40-71, энди 2-40-71 бўлди.

ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИНИ 2-22-22 ТЕЛЕФОН НОМЕРИ ОРҚАЛИ НУКУС ШАҲАР СПРАВКА БЮРОСИДАН АНИҚЛАШ МУМКИН.

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси.

●

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги

«УЗГРАДОСТРОЙ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ГУЛИСТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИГА

уйсозлик комбинатида бош корпус бошлиғи, технолог, цех бошлиғи вазифаларида ишлаш учун иш стажига эга бўлган инженерлар; арматурачи-пайвандчи, электрослесарь, ташқи деворлар ва девор элементларини формовка қилувчилар, кўприк кранларининг машинистлари, тўғри кесувчи дастгоҳларнинг станокчилари; касета установкалари, бетон қориш узеллари, контактли пайвандлаш операторлари

КЕРАК

Ёлғиз кишилар. ётоқхона билан, оилали кишилар уй-жой билан таъминланадилар.

МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ.

Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон ССР, Гулистон шаҳри, 3-микрорайон, ДСК. Телефон: 2-04-66.

●

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ҚИСМИГА

план бўлими мудири, катта иқтисодчи-инженер, иқтисодчи-инженер, комплектация бўйича катта инженер, катта товаршунос, катта инженер, катта лаборант, кичик илмий ходим

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хонага учрашилсин.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

17 ИЮЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — А. Муратовнинг мураккаб хаёти. (телеспектакль, 1-қисм). 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ яқиниликлари. 14.30 — Бугун — металлургларг куни. 14.45— «Солдат отаси» (бадиий фильм). 16.25— Бугун — металлургларг куни. 16.40 —Концерт 17.40 — Халқаро панорама. 18.10 — Мультфильм. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Киносаҳнатчилар клуби. 20.15 — 1977 йил қўшиқлари. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.55 — «Резидентнинг хатоси» (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 23.25 — Регби. «Слава» (Москва) — Ю. А. Гагарин қомли ҳарбий ҳаво академияси. 00.05 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг ёш ҳонандалар. 10.50 — Мультфильм. 11.00 — Қувноқ стартлар. 12.00 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 12.40 — «Ўлат қандай тобланди» (бадиий фильм, 4-серия). 13.45 — Болалар учун кўрсатув. 14.45— Шахмат матқаби. 15.15 — Реклама. 17.55 — «Оқ йўл». 18.25 — Бугун — металлургларг куни. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — «Илҳом». 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Мақсуд Қориев. «Бу кўнгилдур, бу кўнгил». Телеминиатюралар театрининг спектакли. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Доира рақсга чорлайди. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 —«Йўлдаги жанглар» (бадиий фильм, 2-серия).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

18 ИЮЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Тилла боғичли туфли (бадиий фильм, 1-серия). 11.35 — Фильм-концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — «Поэзия». В. Маяковский. 16.45 — Бегараз севги сўқмоғидан (бадиий фильм). 18.00 — Онамларнинг мактаби. 18.30 — «Байкал» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Мультфильм. 19.15 — Эстония ССР меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.00 — «Чақириқ» (телеспектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Спорт программаси. 1. Футбол: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси). 2. Сув полоси бўйича халқаро турнир. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.35 — Болалар учун кўрсатув. 19.05 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Нафосат оламида. 20.15 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Т. Ҳасанов ва Т. Муллажонов концерти. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги. 22.15 — Олтин эшелон (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Альбатрос»нинг сўнгги рейси» (бадиий фильм, 1-серия). 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Химия.

Радио

17 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиқ бизга қамиша ҳамроҳ. 9.15 — «Табассум». 11.15 — Эрталабки салом! (Москва). 12.10 — «Узбекистон ишчиси». 13.00 — Ем-хашак жамғариш кундалиги. 13.30 — Металлургларг учун концерт. 14.00 —Ғўза парваришига—зарбдор суръат. 15.10 —Металлургларнинг талабларига биноан концерт. 16.10 — «Жумагул» (радиопостановка). 17.20 — М. Ҳошимова ва Т. Мирвалиева куйлайди. 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида (Москва). 18.30 — С. Тўхтасинов чалади. 19.00 — Ўзбек классик қўшиқлари. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қувноқ тароналар. 21.00 — Ш. Файзуллаев куйлайди. 22.00 — «Табассум». 22.45 — Рақс куйлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

18 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Меҳнат ва бахт қўшиқлари. 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — Ўзбек халқ куйлари. 11.15 — «Фан ва ишлаб чиқариш». 11.30 — «Ассалом келажак!» (кантата). 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00— Ем-хашак жамғариш кундалиги. 13.30 — СССР Ички ишлар министрлиги қўшинлари вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни қандай ташкил этиш керак. 16.10 — Ўзбекистон композиторлари ижодида Октябрь мавзуи. 18.30 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.00 — Меҳнаткашлар дастурхонига кўплаб сабзавотлар етказиб берайлик. 19.10 — Завқий лирикаси. 20.25 — Озарбайжон куйларидан концерт. 21.00 — Э. Усмонов. «Чаноққа битилган ўйлар» (биринчи эшиттириш). 22.30 — Ш. Рашидов. «Кашмир қўшиғи» (озарбайжон радиосининг постановкаси, Ш. Охундова музикаси).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонгўр — 338142.

Р. 14417. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 165.